

1930 йил
12 майдан
чиқа
бошлаган



ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI ИИВ НАШРИ

№ 6 (3326)

2000 йил 11 февраль, жума

Сотувда эркин нархда

Бош муҳаррир минбари

ЖАМИЯТИМИЗДА ТИНЧЛИК, БАРҚАРОРЛИК ВА ТОТУВЛИК ҲУҚМ СУРИШИ УЧУН

Юртимизда яшаётган ҳар бир фуқаро одатда бўш пайтида чойхонага ташиф буюриб, халқ орасида обрў-этибор топган кишилар билан учрашади ва бир пиёла чой устида суҳбатлашади. Бундай дилкаш суҳбатлар давомида кўп нарсалар ойдинлашади. Турмушимизни ўрганаётган тадқиқотчилар ёки сўрономаларга таяниб хулоса чиқараётган мутахассисларнинг саъй-ҳаракатларини камситмаган ҳолда шуни айтмоқчиманки, оддий одамларнинг мулоҳазаларидан умумий уйимиз – мустақил Ўзбекистондаги сиёсий-ижтимоий барқарорликка ўз таъсирини кўрсатувчи омиллар, хусусан, жамиятда юзага келган кайфият, фуқароларнинг орзу-истаклари ва интилиши, шунингдек, бошқа кўп нарсаларни билиб олиш мумкин.

Яқинда дўстлар даврасидаги ана шундай мулоқот чоғида юртимизда мустақиллик туфайли қўлга киритилган ютуқлар, фарзандларимиз ва уларнинг келажаги, турмушимизда катта имкониятлар пайдо бўлаётгани хусусида мулоҳаза юритдик. Дарҳақиқат, бугунги кунда бундай имкониятларнинг кўлами кенг. Айтайлик, бундан ўн йиллар илгари ўғил-қизларимиз жаҳоннинг энг тараққий этган мамлакатлари олий ўқув юрларида таълим олиши, мамлакатимизда соғлом авлодни камол топтиришга ҳар томонлама ғамхўрлик кўрсатилиши ва бу масала давлат сиёсати даражасига кўтарилишини тасаввур эта олармидик?

– Йўқ, албатта, – дея бу саволга жавоб қайтарди суҳбатдошларимиздан бири. – Яратганга шукрлар бўлсинки, бир пайтлардагидек, биз учун кимдир фикр юритиб, тақдиримизни ҳал этадиган, нима қилишимиз кераклигини ўргатиб турадиган даврлар ортда қолди. Эндиликда ҳаётимизни ўз ақл-идрокимиз, ўз кучимиз ва имкониятларимизга таянган ҳолда ҳал этаймиз. Ҳукуматимиз ҳар биримиздаги қобилият тўлиқ намоён бўлиши учун ҳуқуқий имкониятлар, барча зарур шароитларни яратиб бермоқда.

Ҳа, республикаимиз фуқаролари ўз имкониятларидан фойдаланиши учун барча шарт-шароитлар мавжуд. Шулардан бири мамлакат хавфсизлигини таъминлаш, жамиятимизда тинчлик, барқарорлик, миллатлар ва фуқаролар ўртасида тотувлиқни сақлаш ва кўз қорачиғидай асрашдир. Президентимиз Ислам Каримов иккинчи чақирғи Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси биринчи сессиясининг биринчи йиғилишида шу масалаларни ҳал этмасдан туриб, демократик ва ижтимоий-иқтисодий ўзгаришларни амалга ошириш, маънавий тараққиётга эришиш, шунингдек Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамияти билан ҳамкорлигини кучайтириш мумкин эмаслигини таъкидладилар.

Ушбу масала Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Миллий хавфсизлик кенгашининг навбатдаги мажлисида кўриб чиқилгани ҳам унинг долзарб ва сиёсий аҳамиятга эга эканлигини кўрсатиб турибди.

Мамлакатимиз Президенти, Миллий хавфсизлик кенгашининг Раиси Ислам Каримов бошқарган ушбу мажлисда ҳарбий қурилиш, Қуролли Кучларни ислоҳ қилиш, давлат мудофаасининг сифат жиҳатдан янги тизимини шакллантириш билан боғлиқ долзарб масалалар муҳокама қилинди, Ўзбекистон Республикасининг мудофаа доктринаси кўриб чиқилди ва тасдиқланди.

Мажлисида алоҳида геополитик ўрин эгаллаб турган Марказий Осиё минтақаси ҳозирги пайтда халқаро террорчилик, диний экстремизм ва ақидапарастликни ёйишга, минтақадаги мамлакатларни ўзлари танлаган демократик тараққиёт йўлидан қайтаришга уринаётган экстремистик кучлар ва диверсион-қўпурвчи марказларнинг ўта манфаатдор объектига айланаётгани қайд этилди. Наркобизнес ва ғайриқонуний қурол-аслаҳа савдоси кўламининг кенгаётгани хавфсизликка жиддий таҳдид солаётгани билан боғлиқ ушбу ва бошқа масалалар тегишли тизимлар, хусусан, ҳуқуқий муҳофаза қилиш идоралари олдига мамлакатнинг ягона ҳимоя ва мудофаа тизимини шакллантириш, жамиятимизда барқарорлик ва тотувлиқни таъминлаш вазифасини қўяди.

Республика ички ишлар идораларининг ходимлари ушбу масалалар доирасида ишлаб чиқилган махсус тадбирларни амалга ошириш бора-сида барча диққат-этиборларини аҳоли ҳушёрлигини оширишга мўлжалланган чора-тадбирларга қаратишлари талаб этилади.

Бу вазифа шуниси билан ҳам зарурки, ҳали дунёқараш итарли даражада шаклланмаган айрим ёшларимиз баъзи диний-экстремистик оқимлар томонидан олиб борилаётган тарғибот-ташвиқотлар таъсирига берилиб, нотўғри йўлга кириб қолмоқдалар.

Ички ишлар идораларининг ходимлари бундай салбий ҳолатларга қарши жамоатчилик, биринчи галда маҳалла кўмиталари билан ҳамкорликни мустаҳкамлаган ҳолда курашишлари лозим. Бугунги кунда жойларда, маҳаллаларда, ўқув муассасаларида тушунтириш ишлари олиб бориш ҳар қачонгидан ҳам муҳимдир. Бизнинг жамиятимизга ёт бўлган гуруҳлар ва уларни қўллаб-қувватлаётганларга қарши аёвсиз курашишимиз зарур. Шу ўринда туман ва шаҳар ҳокимлари, милиция ва прокуратура ходимлари, маҳалла оқсоқоллари, педагоглар, дин арбоблари, барча фуқаролар барча саъй-ҳаракатларни ошқора олиб боришлари лозим.

Давлатимиз раҳбари Олий Мажлисининг биринчи сессияси биринчи йиғилишида айтиб ўтганларидек, жамоат тартибини ва фуқароларнинг ўз шахсий хавфсизлигини сақлаши, уларнинг ҳушёр ва огоҳлигига, тева-рак-атрофида рўй бераётган воқеаларга фаол муносабатига нақадар боғлиқ эканини одамларнинг онгига етказиш ўта муҳимдир. Жиноятчиликка, экстремизм ва жаҳолатнинг ҳар қандай кўринишларига қарши курашда аҳоли фаоллигини ошириш лозим.

Президентимизнинг бу сўзлари ҳуқуқий муҳофаза қилиш идораларининг ҳар бир ходими учун дастуриламал бўлиб қолмоғи зарур.

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI ИИВ ҲАЙЪАТИ МАЖЛИСИДА

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Ҳайъатининг йиғилиши бўлиб ўтди. Уни Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири, ички хизмат генерал-полковниги З. Алматов очди ва олиб борди. Йиғилишда вазирлик бўлини ва идораларининг 1999 йилги тезкор-хизмат фаолиятининг яқунлари кўриб чиқилди ва 2000 йилда амалга оширилаётган вазифалар белгиланди. Мазкур масала юзасидан Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири-нинг биринчи ўринбосари, милиция генерал-лейтенанти Б. Матлюбов

маъруза қилиб, эришилган натижаларни атрофлича таҳлил этди, келгусида бажарилиши лозим бўлган вазифаларга кенг тўхталди. Мамлакатимиздаги барқарор вазиятни бузиш ниятида бўлган диний-экстремистик кучларга қарши кураш асосий ҳаракат йўналишлари этиб кўрсатилди ва ҳар қандай экстремистик ва терроризм кўринишларига қарши кураш бўйича аниқ тадбирлар белгиланди.

Ҳайъат мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат мас-лаҳатчиси Ў. Комилов иштирок этиб,

вазирлик идораларида жиноятчилик, экстремизм ва терроризмга қарши курашдаги фаолиятини, кадрларни танлаш, ўқитиш ва жой-жойига қўйиш ишларини янада такомиллаштириш ҳақида тўхталди.

Ҳайъат мажлисида вилоятлар ИИБ бошлиқлари, ИИВ тармоқ хизматлари раҳбарлари тақлиф этилди.

Мажлис сўнггида унинг қатнашчилари ички ишлар идоралари ва бўлинмаларида фойдаланиш учун мўлжалланган замонавий техника ва асбоб-анжомлар кўргазмаси билан танишдилар.

АВТОТЕХНИКАЛАР

КЎРГАЗМАСИ



Суратларда: кўргазмадан лавҳалар.
(Бу ҳақда газетамизнинг 2-саҳифасида танишишингиз мумкин).

А. САПАРМАТОВ олган суратлар.

12-13 КАДИМИЙ ШАҲАР ОСОЙИШТАЛИГИ ЙЎЛЛА

KELGUSI HAFTA UCHUN
MUNAJJIMLAR BASHORATI

КРОССВОРД

ОЙНАИ ЖАҲОН ДАСТУРЛАРИ – Тўлалигича бизнинг газетамизда!



ХИЗМАТЛАР САМАРАДОРЛИГИНИ ЯНАДА ОШИРИШ ЙЎЛИДА

Ўтган ҳафтада Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигида Қорақалпоғистон Республикаси ИИБ, Тошкент шаҳар ИИББ, Нақлийёт ва вилоятлар ИИБ Жамоат тартибини сақлаш хизмати раҳбарлари иштирокида тезкор йиғилиш ўтказилди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири ўринбосари, милиция генерал-майори Б. Парпиев Жамоат тартибини сақлаш хизматларининг Ўзбекистон Республикаси Президентининг иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси биринчи сессиясида сўзлаган нутқи талабларидан келиб чиқадиган вазифалари ҳақида нутқ сўзлади.

Ўтган 1999 йилда Жамоат тартибини сақлаш хизматида кирувчи ЖТСБ, ЖООБ, ЁСБ, ДАНББ, ХЧК ва ФБ ҳамда "Қўриқлаш" бирлашмаси, унинг жойлардаги идораларининг ходимлари мамлакатимизда тинчлик ва осойишталикни сақлаш, барқарорликни мустаҳкамлаш борасида зиммаларидаги вазифаларни бажариш йўлида кўзланган натижаларга эришиш учун бор имкониятларини сарфлашга ҳаракат қилдилар. Бу борада эришилган ютуқлар билан бир қаторда камчиликлар ҳам мавжудки, уларни бартараф этиб, фойдаланилмаётган имкониятларни ишга солиш вазият тақозо этаётган муҳим вазифага айланиб борапти.

Президентимиз иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг биринчи сессиясида таъкидлаб ўтганларидек, бугунги кунда раҳбар ходимларимиз қайси соҳада ишлашларидан қатъи назар янгиликка интилувчан, ўз устида ишлайдиган, мавжуд хато ва камчиликларга танқидий баҳо берадиган бўлишлари керак. Шу маънода ички ишлар идораларининг раҳбарлари ҳам

озгина ютуқлар билан мағрурланиб кетмай, жиноятчиликнинг олдини олиш, унга қарши курашда самара берадиган усулларни излаш, хизматта тадбиқ этиш, уни омалаштириш, олға интилиш йўлида ҳалақит бераётган камчиликларни бартараф этиш, ишга солинмаган куч ва имкониятлар тўғрисида кўпроқ бош қотиришлари лозим.

Нотик, жорий йилда амалга оширилиши лозим бўлган ташкилий масалалар ва уни бажариш йўлидаги вазифаларга кенг тўхталди.

Хукукий давлат қуриш сари дадил ҳаракатлар бораётган экан, аввало хукукий давлатни шакллантириш борасида биринчи галда қабул қилишимиз зарур бўлган янги қонун ва меъёрий ҳужжатларни англаб етиш керак. Хукуқ-тартибот органлари ходимларининг мавжуд қонун ва қоидаларга сўзсиз амал қилишларини таъминлаш керак. Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамияти билан ҳамкорлигини кучайтиришнинг асосий шарти ва гарови бўлган ҳавфсизликни таъминлаш, тинчлик, барқарорликни янада мустаҳкамлаш, миллатлар ва фуқаролар ўртасида тотувликни сақлаш ва асраш лозим. Халқимиз табиятига ёт бўлган сиёсий, диний экстремистик, ақидапарастлик ва бошқа ёвуз оқимларнинг кириб келиши ва тарқалиши тинчлик ва осойишталикка, фарзандларимизнинг келажагига катта ҳавф туғдиришини одамлар онгига чуқур сингдириш лозим. Жойларда жамоат ҳавфсизлигини таъминлаш учун ўзини ўзи бошқариш идоралари, биринчи галда маҳалланинг ролини янада кучайтириш керак.

Президентимиз томонидан қўйилган бу вазифаларни ижобат бўлиши учун амалга ошириладиган ишлар кўлами кенг. Жумладан, ички

ишлар идоралари ходимларининг билим савияларини, касб маҳоратларини, жисмоний ва жанговар тайёргарликларини талаб даражасига етказиш учун ўқув машғулотларини янада жонлантириш, ички ишлар идораларига танлов асосида виждонан пок, жисмонан бақувват, давлат ва ҳукумат сиёсатини тўғри тушунадиган фуқароларни қабул қилинишини қатъий таъминлаш лозим. Жойлардаги барча хизматлар раҳбарларининг ўзига ва ходимларга талабчанлигини ошириш, сафларни нопок, лоқайд ва боқиманда ходимлардан тезроқ тозалаш, жамоа жиспелиги ва иноқлигини мустаҳкамлаш лозим. Қўпоровчилик, терроризм, гаровга олинганларни қутқариш, алоҳида муҳим объектларга ҳужум қилинганда уларни бартараф этишга қаратилган тезкор режалар бўйича ўқув-амалий машқларни мунтазам ўтказиб бориш, мамлакатимизга чегарадош ҳудудлардан турли хил экстремистик оқимга мансуб шахсларнинг кириб келиши олдини олиш борасида қилинаётган ишларни янада мукаммаллаштириш ва қатъий назоратга олиш лозим.

Нотик ўз нутқи давомида жамоат тартибини сақлаш хизматларининг фаолиятини янада яхшилаш, уларнинг зиммаларидаги вазифаларини бажариш йўлида ҳалақит бераётган камчиликларга ҳам тўхталди. Кейинги вақтда айрим раҳбарларнинг лоқайдлиги, масъулиятсизлиги оқибатида яхши ниятлар билан тузилган режа ва тадбирлар қорғозда қолиб кетяпти. Қўлга киритилган озгина ютуқлар билан ҳаволаниб, зарур муаммолар чуқур ўрганилмай қоляпти. Маҳалла посбонлари, яраштириш комиссияларининг ишида фаоллик етишмайди, айрим жойларда маҳалла посбонла-

ри собиқ шўро давридаги кўнгилли дружиначилар аҳолига тушиб қолган. Хизмат итларидан фойдаланиш Қорақалпоғистон Республикаси, Сурхондарё, Тошкент ва Наманган вилоятларида талаб даражасидан анча йироқ. Айрим вилоятларда кенг қамровли "Тозалаш", "Тун", "Арсенал", "Орият" каби тадбирларга зарур шарт-шароит, эътибор берилмаётгани боис кундалик иш жараёнидан фарқ қилмаяпти. Паспорт тизими қоидалари қўпол равишда бузилиши ҳолатлари камаймаяпти. Экинлар пайҳон қилинишининг олдини олиш ва унга қарши кураш бўйича ишлаб чиқилган тадбирларни бажаришда қатор камчиликларга йўл қўйилмоқда. Айнан, айрим милиция ходимлари томонидан ҳуқуқбузарлик, қонунбузарликка йўл қўйилаётгани кечириб бўлмас ҳолдир. Ана шундай баъзи нопоклар ҳисобида бутун Ўзбекистон милицияси шаънига доғ тушмоқда.

Пировардида нотик ички ишлар ходимлари жорий йилда зиммаларидаги масъулиятли вазифаларни бажариш учун бор имкониятларини ишга солиб, юртимизда тинчлик ва осойишталикни сақлаш, барқарорликни мустаҳкамлаш, энг муҳими халқимиз ишончини оқлаш, меҳр-муҳаббатига сазовар бўлишдек юксак мақсад йўлида тинмай ҳаракат қилишларига ишонч билдирди.

Йиғилишда, шунингдек, ИИБ Жамоат тартибини сақлаш хизматида кирувчи бошқармалар бошлиқлари Қ. Тошмухамедов, И. Хилватов, Ю. Қосимов, Б. Шорихсиев ва Х. Зокировларнинг маърузалари ҳамда бир қатор вилоятларнинг хизмат бошлиқлари раҳбарларининг ҳисоботлари тингланди.

Садриддин ШАМСИДИНОВ.

ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАБ ОЛИНДИ

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигида республика ички ишлар идораларининг карантин-қўриқлаш тадбирларини ўтказиш бўйича бўлинмалар ва санитария милициялари сардорларининг йиғилиши бўлиб ўтди.

Карантин-қўриқлаш тадбирларини ўтказиш бўйича бўлинмалар ва санитария милицияларининг санитария ва ветеринария қоидаларига риоя этилишини таъминлаш борасидаги ишларини такомиллаштириш, бу борада ўтган йили амалга оширилган ишлар ва 2000 йилдаги вазифаларга бағишланган йиғилишни ИИБ ЖТСБ бошлиғи, милиция полковниги Қ. Тошмухамедов кириш сўзи билан очди. Шундан сўнг йиғилганлар ҳузурида Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ветеринария Бош бошқармаси бошлиғи Х. Исканов, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги санитария-эпидемиология Бош бошқармаси бошлиғи Н. Отабековлар сўзга чиқиб, тармоқ соҳа ходимларининг республикада санитария-эпидемиология ҳолатини яхшилаш борасидаги вазифаларга кенг тўхталдилар.

Йиғилиш иштирокчилари Чилонзор тумани ИИБ санитария бўлинмаси фаолияти билан танишдилар. Тошкент шаҳридаги мева-сабзавот комбинатининг кушхона цехида бўлиб пойтахтимизга вилоятлардан келтирилаётган гўштларнинг сифати ва санитария ҳолатини янада яхшилаш, бунинг учун жойларда назорат ишларини кучайтириш масалалари юзасидан фикр алмашдилар.

Ўз мухбиримиз.

ОГОҲЛИК – ДАВР ТАЛАБИ

Тошкент вилояти ИИБ мажлислар залида бўлиб ўтган навбатдаги маърифат дарси ана шу мавзуга бағишланди. Дарсга сиёсий шарҳловчи Қобилбек Каримбеков таширф буюрди. Ички ишлар вазири, ички хизмат генерал-полковниги З. Алматовнинг Тошкент шаҳридаги маҳалла оқсоқоллари, хотин-қизлар қўмиталари раислари, масжид имомлари, Маънавият ва маърифат маркази раҳбарлари, "Қамолот" жамғармаси вакиллари таълим тизими ўқитувчилари иштирокида бўлиб ўтган

"Огоҳлик – давр талаби" мавзуидаги йиғилишида сўзлаган нутқи ёзиб олинган видеотасмалар ички ишлар идоралари ходимларига намойиш этилди. Шунингдек, "Огоҳлик – давр талаби" мавзуидаги видеотасма барча шаҳар ва туманларга ҳам тарқатилиб, жойлардаги ички ишлар ходимлари ва шахсий таркибга ҳам етказилди. Ички ишлар ходимлари қалбида яна бир қарра Она-Ватанга муҳаббат, садоқат туйғулари уйғуллашиши намойиш бўлди.

М. СУЛТОНОВА.

БИЗГА ЖАВОБ БЕРАДИЛАР

Газетамизнинг 2000 йил 14 январь сониди "ДАН ходими мухбирни нега ёқтирмади?" мақоласи чоп этилган эди. Яқинда тахририятимизга Қорақалпоғистон Республикаси ИИБдан жавоб хати келди. Хатнинг мазмуни қуйидагича.

Ички ишлар вазири ўринбосари, ички хизмат подполковниги М. Бобониёзов ДАНБ ИПХ инспектори Ж. Норинбоев ҳақиқатан автобус ҳайдовчиси К. Кенжаевга қўпол муомалада бўлганини хабар қилади. Шаҳодат комиссияси ўтган йили сентябрь ойида Ж. Норинбоевни эгалаб турган вазифасидан бўшатиш ҳақида қарор қабул қилган. У ДАНБ ихтиёрига йўл-патруль хизмати билан боғлиқ бўлмаган вазифада фойдаланиш учун юборилган.

Объектив сабабларга кўра Ж. Норинбоевни бошқа вазифага ўтказиш шу йил январь ойигагина тўхтатиб турилган. Ҳозирда у Нукус шаҳар ИИБга милиционер-ҳайдовчи вазифасига ўтказилган.



Ички ишлар идораларини энг замонавий техник воситалар билан таъминлаш долзарб масалалардан биридир. Кейинги йилларда республикаимизда бунга катта аҳамият берилляпти. Ташвиқот-тарғибот ишларини олиб бориш учун махсус жиҳозланган автомашиналарни тез-тез пойтахт кўчаларида учратиш мумкин. Тошкент шаҳар ИИББ раҳбарияти вазирлик ёрдамида қатор хизматларни янги за-

монавий автомашиналар ва техник воситалар билан таъминлади. Қувонарлиси шундаки, автомашиналар асосан Асака ва Самарқанд автомобиль заводларида ишлаб чиқарилган.

Куни кеча республика Ички ишлар вазирлигида Тошкент шаҳар ИИББ томонидан хизматлардаги мавжуд автомашиналар ва техник воситаларнинг кўргазмаси уюштирилди. Унда тезкор гуруҳ,

АВТОТЕХНИКАЛАР КЎРГАЗМАСИ

ДАН, ёнгиндан сақлаш, йўл-патруль, пост-патруль, профилактика ва бошқа хизматларда фойдаланилаётган автомобиллар, тарғибот-ташвиқот автобуслари ва бошқалар намойиш этилди.



Суратларда: кўргазмада намойиш этилган авто-мото ва техник воситалар.

А. САПАРМАТОВ олган суратлар.

НАВОИЙГА ЭҶТИРОМ

Ўтган куни пойтахтимиздаги Ҳамза номидаги Академик драма театрида Тошкент шаҳар ички ишлар идоралари ходимларининг навбатдаги маърифат дарси бўлиб ўтди. У буюк мутафаккир шоир, давлат ва жамоат арбоби, етук ҳуқуқшунос Алишер Навоий таваллудининг 559 йиллигига бағишланди. Унда академик, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, адабиётшунос олим, Азизхон Қаюмов ҳамда Ўзбекистон халқ шоири, Навоий номли Ўзбекистон Давлат мукофоти совриндори, "Мулоқот" журналининг Бош муҳаррири Барот Бойқобиловлар иштирок этдилар.

Буюк Навоийнинг адабий мероси ва ундан илҳомланиб ёзилган, тўрт дostonни ўз ичига олувчи "Ўзбекнома" асари ҳақида шоир Барот Бойқобилов йиғилганларга сўзлаб берди.

Навоий адабий мероси ва унинг яқин кунларда топиладиган манба, ҳамда янгиликлар ҳақида академик Азизхон Қаюмов тўлқинланиб гапирди.

Шундан сўнг Ҳамза театри актёрлари ижросида "Алишер Навоий" драмасидан парчалар ижро этилди.

Б.Ҳасаниятнинг маданий ва ижтимоий тараққиёти тарихида адолат ғояси буюк сиймоларни ўйга толдириб келган эътиборга молик масалалардан биридир. Ушбу ғоянинг ижтимоий ва ҳаётий-фалсафий мазмуни вақт ўтган сайин бойиб келган. Бу инсониятнинг ўз тараққиётида босиб ўтган мураккаб излашиш ва кураш йўлининг ифодасидир.

Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академиясида 7 февраль куни "Алишер Навоий мероси ва миллий тараққиёт" мавзусида илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди. Буюк мутафаккир, давлат арбоби, ўзбек тилининг асосчиси Алишер Навоий нафақат ўзбек халқининг, балки умумбашарият маънавий тараққиётига улкан ҳисса қўшган шахс ҳисобланади. Унинг беназир адабий мероси ҳозирги кунимиз учун ҳам хизмат қилмоқда.

Анжуманда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, филология фанлари доктори, профессор Абдурашид Абдуғофуров "Алишер Навоий меросининг ўрганилиши ҳақида" мавзусида маъруза қилди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ФА муҳбир аъзоси, филология фанлари доктори, ИИБ Академияси профессори Гани Абдурахмонов, ИИБ Академияси катта ўқитувчиси, ёзувчи Тохир Малик, Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти кафедраси бошлиғи, профессор Б. Каримов, сиёсатшунослик кафедраси профессори Ш. Ғойибназаров А. Навоий ижодида тил, маънавият муаммолари, унинг сиёсий қарашлари ҳақида, Академия тингловчиларидан Ф. Хидиров "А. Навоийнинг эстетик қарашлари", М. Нурматов "А. Навоий шеърлари" каби мавзуларда ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Хулоса қилиб шуни айтишимиз мумкинки, анжуманда муҳокама этилган миллий раънақимизга, миллий қадриятимизга, маънавиятимизга тааллуқли масалалар бугунги кунда долзарб эканлигини ишторқчилар таъкидлашди.

А. ХОЛИҚОВ,
ички хизмат лейтенанти.

Фахрийлар — фахримиз

Оталар фарзандлари ишида, ҳаётида ўз умрининг бардавомлигини кўриб қувонганидек, болалар ҳам оталар аъналарининг вориси эканлигини туйиб қалблари фахр ҳиссига тўлади, ўзларини аждодларига муносиб бўлишга чоғлайди.

Яқинда Қизилтепа тумани ИИБ да икки авлод учрашуви бўлиб ўтди. Ички ишлар идоралари фахрийлари ёшларни замонга ҳамқадам бўлишга, хизматда

учрайдиган машаққатларга сабот билан бардош беришга чақирди. Улар ҳозирда баъзан қулоққа чалиниб турадиган айрим ходимларнинг ўз вазифасига совуққонлиги, мансаб мавқеини суистеъмол қилиши, таъ-

магирликка мойил бўлиши каби иллатларни қаттиқ қораладилар.

Бирники — мингга дегандек, қайсидир ходимнинг нолайҳа хатти-ҳаракати кўпчилик шаънига доғ бўлиб тушишдан огоҳлантирилди. Фахрийлар ҳозир баъзи

милиционерлар унутаи деган форма обрўи деган тушунчани йиғилганларга яна бир бор эслатишди. Яъни, ички ишлар ходимининг кийими ҳам аҳолида қонунга ҳурмат туйғусини уйғотиши керак. Бу эса кўп жиҳатдан

лар яхши ниятлар билан туман ИИБ ҳовлисида меваги ва манзарали кўчатлар ўтказишди.

Ўз мухбиримиз.

Суратда: учрашувдан лавҳа.

* Огоҳликка даъват

БАРЧАНИНГ ДОЛЗАРБ ВАЗИФАСИ

Ёшларни диний экстремистик кайфиятдаги кишилар таъсирига тушиб қолишлари, ислом дини ниқобидаги ақидапарастларнинг алдовига учиб, Конституциямизга қарши, жамиятни қоралаб турли хил диний оқимлар ғояларини тарғиб қилувчи варақаларни тарқатиш билан машғул бўлишларининг олдини олиш, умуман ана шу иллатга қарши кураш шу куннинг долзарб масалаларидан биридир. Сирдарё вилоят драма театри биносидан ўтказилган йиғилиш ана шу масалага бағишланди. Вилоят ҳокими Ў. Исмоилов йиғилишни очар экан, Соғлом авлод йилида ўсмир ва ёшларнинг тарбиясига жиддий ёндошиш, турли экстремистик ғоялардан сақлаш, уларнинг онгида Ватанга садоқат, қадимий мил-

лий аъналаримизга муҳаббат каби фазилатларни янада мустаҳкамлаш зарурлигини таъкидлади. Вилоят ИИБ бошлиғи, милиция полковниги Р. Тўлаганов ички ишлар идоралари ходимларининг диний экстремистик кайфиятдаги кишиларнинг ноқонуний, ноҳўя ҳаракатларига қарши олиб бораётган курашлари ҳақида сўзлаб, бу ишда кенг жамоатчиликнинг, биринчи гада маҳаллалар, қишлоқ фуқаролар йиғинлари фаолларининг милиция ходимлари билан баҳам-жиҳат иш олиб боришлари зарурлигини айтиб ўтди. Йиғилишда шунингдек, вилоят имом хатиби М. Усмонов, республика "Маҳалла" хайрия жамғармаси раиси Ш. Жалиловлар сўзга чиқдилар.

Д. МУРОДОВ,
милиция старшинаси.

Таллимаржон шаҳарчаси Туркменистон билан чегарадош, турли миллат вакиллари иноқ яшамади. Шаҳарча милиция бўлини масида ҳар доим иш қизғин. Бўлини бошлиғи, милиция майори Нор Маҳматкуловни кайфияти чоғ ҳолда учратдик. Шу кунги босқинчилик жинояти фош қилган экан.

Чегарадош минтақаларда хизматта масъулият билан ёндошишни ҳозирги шароит талаб этиши турган гап. XX аср ўлатига айланган гиёҳванд моддаларнинг кириб келиши ҳолати кўпроқ кузатилаётганлиги сир эмас. Айниқса, кейинги пайтда ислом дини ниқоби остида "Ҳизбут-таҳрир", "Ваҳобийчилик" каби диний ақидапарастлик оқими гирдобига тушиб қолган кимсалар турли уйдирмалар битилган варақаларни тарқатаётганлиги кенг жамоатчиликни нафратини қўзғатмоқда. Шаҳарча милиция бўлини масида ходимлари бундай кўринишдаги кимсаларни четдан пайдо бўлиб қолмасликларини учун ҳушёрликни янада оширган.

— Бизни ташвишга солаётган муаммолардан бири четдан гиёҳванд моддаларнинг кириб келиши ҳолатидир, — дея ўз

ШАҲАРЧАДА ИШ ҚИЗҒИН

сўзини шарҳлайди Н. Маҳматкулов. — Шу йилнинг биринчи ойидаёқ ходимларимизнинг ҳушёрлиги туфайли 6 та гиёҳванд моддаларни сақлаш, со-

тишга оид жиноятлар фош этилди. Ўтган йилда ҳам шу ҳолатлар бизни безовта қилган эди. Туркменистон фуқароси Оғажон Худойбердиев 500 грамм марихуана моддасини мижозига пуллаётганда ходимларимиз уни қўлга олишди.

Шаҳарчада ўтган йилнинг декабрь ойида рўй берган босқинчилик жинояти бутун шахсий таркибни оёққа қалқитган эди. М. Қурбонов кўчасида яшовчи Владимир Изотовнинг уйига ярим кечаси икки номтаълум шахс юзига ниқоб кийган ҳолатда бостириб кириди. Улар дарров уй соҳибининг қўл-оёғини боғлаб, бўйнига пичоқ тираб дўқ-пўписа билан пул ва қимматбаҳо тақинчоқларни топиб

беришни талаб қилади. Уй соҳиби ҳеч нарсаси йўқлигини билдирганда тунги қароқчилар унинг дуч келган жойига тепи тан жароҳати етказишди. Алам

қан. Жоним фойдага қолган қабилида тинч меҳнат қилиш ўрнига яна оғир жиноят содир қилди.

Фуқаро Искандар Қурбонов гиёҳвандлик ҳасталигига мубтало бўлган. У ўғли Самандар билан савдо дўконидан чиқиб уйи тарафга келарди. Унинг атрофга олазарак қарashi милиция ходимларининг ҳушёрлигини оширди. Искандар бекорга бесаранжомланмаган экан. Энг ачинарлиси, ўғли Самандарнинг ёнидан елимхалта парчасига ўралган 1,6 грамм героин моддаси чиқиб қолди. 9 ёшли бола уялгандан пиқиллаб йиғлашга тушди. У отасининг хатти-ҳаракатидан уяларди. Отаси эса гиёҳвандлик моддаси менчикмас дея тонишгача борди. Аммо ўғлининг рост гапидан кейин мулзам тортиди.

Шаҳарча милиция бўлини масида иш қизғин. Ҳар бир ходим эл осойишталигини таъминлашдек масъулиятли бурчини виждонан ўтамоқда. Зеро, тинчликдан устун бебаҳо неъматнинг ўзи йўқ.

ЎРОЗ ҲАЙДАРОВ,
милиция майори.

"Жасорат" медали совриндорлари

ЖАСОРАТ

Баҳодиржон Мамадалиев бугун ҳам қуёш ётоғидан бош кўтармасдан ўзига тегишли ҳудудга етиб келди.

Уни келганини узоқдан кўрган ёши ўн-ўн бирлардаги болакай милиционернинг олди-га югуриб келди-да: "Ака, ҳув анави пайкалда бир неча аёл билан бир эркак ҳали комбайни тушмаган бугдойнинг бошогини йиғиштиришяпти!", — деб қолди.

Боладан керакли маълумотларни олган Баҳодир беихтиёр отнинг бошини ўша томонга бурди. Милиция ходимини кўрган хотин-халаж қоп-этакларини кўтариб индамай бугдойи ўриб бўлинган пайкалларга "бошоқ тергани" ўтиб кетишди. Аммо бир йигит унга қиё ҳам боқмасдан бошоқларни тўғри-нотўғри келган жойидан ўра бошлади.

— Ака, бу ерларга ҳали комбайн тушгани йўқ. Сизнинг бу қилигингиз бугдойларни ётиб қолишига сабаб бўлади. Илтимос, чиқиб кетинг!

Қирқ ёшларга бориб қолган баджаҳл одам истар-истамас бошини кўтариб Б. Мамадалиевга қараб: "Сен кимсан ўзи, ўт нарёққа, мен хоҳлаган жойимдан ўриб оламан", — деди.

Кўпол муомаладан дили ранжиган бўлса-да, милиция ходими касб одобномасидан ташқарига чиқмаган ҳолда ўзини босиб олиб, яна гап қотди.

— Нега қонун-қоидаларни менсимайсиз? "Бошоқ" қилсангиз ҳамма қаторига ўтин-да, ака! — У шундай дея депсиниб турган отнинг сирғалиб тушган тизгинини олмоқчи бўлиб энгашганди, рўпарасида ўқрайиб турган киши қўлидаги ўроғи билан уриб юборди. Ўроқ унинг нақ ўлкасига санчилди. Бетийиқ жаҳлини жиловлан олмаган кимса ўроқни суғуриб олиб, шафқатсизларча унга яна ва яна ташланди. Милиция ходими қонига беланиб йиқилди. Шу пайт ўн уч ёшлардаги қиз бугдойзорлар оралаб чопиб келди-да: "Жон дадажон, бу кишини ўлдириб қўймаган! Унда нима гуноҳ? Ахир у сизни уришмади-ку!" — дея отасининг қўлларига ёпишди. Баджаҳл ота қизига бир қайрилиб қаради-ю, Баҳодирни ўлди деб ўйлаб орқасига қайрилиб кетди. Қизчанинг чинқиригидан мол боқиб юрган бояги бола ҳушёр тортиб югуриб келди-да, устидаги қўлагини ечиб, Баҳодирнинг қоши тепасига сизиб чиқётган қонни тўхтатиш учун босди. Болакай милиция ходимининг тирикчилигига ишонч ҳосил қилгач, қон қўлагини таёқчасига олиб, баланд кўтарди ва одамларни ёрдамга чақирди.

...Баҳодир касалхонада кўзини очди. Кейинроқ унга бу ерга келтиришганига уч кун бўлганини, агар жарроҳ операцияга яна беш минут кечикса..., ҳозир эса аҳволи яхшилигини айтиб шифокорлар бошида парвона бўлишарди.

Баҳодиржон Мамадалиев шу кунларда яна сафимизда. У Андижон вилояти Қўрғонтепа тумани ИИБ ҳузуридаги қўриқлаш бўлини масида милиционер бўлиб хизмат қилмоқда. Яқинда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони билан унга "Жасорат" медали берилди. Баҳодир ўзига берилган Ватанинг бу мукофотини оқлаш учун ҳали жуда кўп ҳалол хизмат қилишини яхши билади.

Умидо ЙЎЛЧИЕВА,
Андижон вилояти.

Суратда: "Жасорат" медали совриндори Баҳодир Мамадалиев.

Б. КЛЕЙМАН олган сурат.



Маълумки, айти кунларда шахсий автомашиналарни навбатдаги техник кўриқдан ўтказиш давом этмоқда. Август ойининг охиригача ўтадиган бу тадбирнинг моҳиятини бирма-бир тушунтириш жоиз эмас, албатта. Аввало шуни айтиб ўтиш лозимки, содир эти-

ҳамма вақт ҳайдовчи ва ҳаракатланишнинг бошқа иштирокчилари учун хавфли бўлиб қолаверади. Шунинг учун ҳар бир транспорт воситаси йиллик техник кўриқдан ўтиши ва бунда аниқланган камчиликлар бартараф этилиши шарт. Чунки, ҳеч ким носоз

лиция капитани Х. Юсупов. — Шахсий транспорт эгалари техник кўриқка автомашиналари билан бирга паспорт, ҳайдовчилик гувоҳномаси, агар автоулов эгаси келолмаса, унинг вакили бўлган киши учун ишонч қоғози, транспортнинг техник паспорти, тиббий маъ-

ни бошқарган ҳайдовчига қандай чора кўрилиши кўпчиликни қизиқтириши табиий. Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 125-моддасига биноан, ҳайдовчиларнинг давлат техник кўригидан ўтмаган, носозлиги бўлган транспорт воситаларини бошқаришлари энг кам иш ҳақининг иккидан бир қисмигача миқдорда жарима солинишига сабаб бўлади.

Албатта, ҳар бир ҳайдовчи ёки транспорт воситасига эга бўлган киши ДАН ходимлари томонидан кўриладиган маъмурий чоралардан қўрқиб эмас, балки улар бошқарувидаги носоз автоулов ўзлари ва ўзгалар ҳаёти учун хавфли эканлигини ҳис этишлари зарур. Шунда юртимиз автомобиль йўлларида содир этилаётган бахтсизликлар сонини камайтиришга эришамиз.

Исроилхўжа САИДКАРИМОВ,
милиция катта лейтенанти.

АВТОУЛОВЛАР ДОИМО СОЗ БЎЛСИН

ладиган айрим йўл-транспорт ҳодисаларида транспорт воситаларининг техник аҳволи соз бўлмаслиги ҳам сабаб бўлади. Шунинг унутмаслик керакки, техник кўриқдан ўтказиш бу — автомобилларни шунчаки техник аҳволини текширув бўлиб қолмай, балки, бир қанча бахтсизликларни олдини олиш ҳисобланади. Кишиларнинг саломатлиги, ҳаёти сақлаб қолинади. Зеро, носоз транспорт воситаси

транспорт воситаси бирор бир бахтсизлик келтирмайди, деб кафолат беролмайди.

Жорий йилда ишлаб чиқарилган йили жуфт бўлган ва қандайдир сабаблар билан аввалги йил ўтмай қолган автомобилотранспорт воситалари йиллик техник кўриқдан ўтказилади.

— Йиллик техник кўриқни ўтказиш тартиби ўзгаргани йўқ, — дейди вилоят ИИБ ДАНБ автоназоратчиси, ми-

лмотномани ДАН ходимларига тақдим этишлари керак бўлади. Шу билан бирга техник кўриқ даврида тўланиши шарт бўлган тўловлар чиптаси ҳам кўрсатилади.

Ўрни келганда айтиб ўтиш лозимки, шахсий енгил автотранспортлар икки йилда бир маротаба, автобус, микроавтобус ва юк автомобиллари эса ҳар йили кўриқдан ўтади.

Йиллик техник кўриқдан ўтмаган транспорт воситаси-

Яхшилар кўп, одам мунаввар

ТАСОДИФ

Гулжамол одатдагидек сув олиб келиш учун Фарғона каналига борди. Пақирини сувга ботириш учун энгашиганида боши билан шўнғиб кетди. Бахтга қарши атрофида уни қутқарувчи ҳеч бир зот кўринмасди.

— Вой-дод, ёрдам беринлар! Ёрдам!!!

Совуқ сувда у оқиб борарди...

Андижон вилояти ИИБ хўжалик ишлари бўйича бўлим бошлиғи, милиция капитани Қодирхон Иброҳимов, ҳайдовчи-милиционер, милиция катта сержанти Дилмурод Фурманов хизмат топшириғи билан ўша Фарғона канали бўйлаб нёда боришга боришда бирдан ҳайдовчининг кўзи сувда оқиб келаётган қора нарсага тушди-да:

— Ўртоқ капитан, сувда нимадир оқиб келаяпти, қаранг, одамга ўхшайди! — деди.

Бу гапни эшитиб, орқасига ўгирилган Қодирхон сувда оқиб келаётган нарса чиндан ҳам одам эканлигига ишонч ҳосил қилди-ю, ўзини сувга отди. Унинг орқасидан ҳайдовчи-милиционер ҳам ўзини сувга отиб, ёрдамга шошилди. Икки халоскор Гулжамолни сувдан олиб чиқди. Келувчакнинг ҳаёти сақлаб қолинди.

Гулжамолнинг турмуш ўртоғи, ота-онаси, уч ёшли шириндан шакар қизалогининг қувончлари чексиз...

Умидо ЙЎЛЧИЕВА,
Андижон вилояти.

ҚИСКА САТРЛАРДА

Тошкентнинг Қорақамш 1/2 даҳасида яшовчи В. Капачёв дўсти Ю. Ширшов уйига меҳмонга боради. Кадрдонлик хурматини қилиб мезбон дастурхонга ароқ кўйди-ю, балого қолди. Ширакайф бўлган меҳмон арзимаган нарсадан жанжал чиқариб Ю. Ширшовга пичоқ уради.

Чилонзор туманидаги "Алпомиш" қаҳвахонаси олдида номаълум аёл Сирғали туманида яшайдиган Г. Жуманазаровани эғнидаги чарм камзулини зўрлик билан ечиб олади. Аёл бу ҳақда милицияга хабар берди. Тезда олиб борилган ҳаракатлардан сўнг "зўравон аёл" М. Бозорова далилий ашё билан ушланди.

Ҳеч қаерда ишламайдиган, яшаш жойининг тайини йўқ дайди М. Рибальченко "Шарқ" матбаа концернига қарашли ошхонадан 10 кило шакар, гўшт, 10 шиша коньяк ва бир неча салқин ичимликлар ўғирлаб чиқаётганда далилий ашё билан қўлга олинди.

Илгари судланиб, жазодан тўғри хулоса чиқармаган А. Кинязев яна ўғирликка қўл урди. У Марказ-13 мавзесидаги 35-уй 101-хонадонга кириб чет эл телевизор, видеомагнитофони, чарм камзул, аёллар кўлқопи, жемпери ўғирлаб кетади. Икки ишлар ходимларининг тезкор ҳаракатлари натижасида у ашёвий далиллар билан қўлга олинди.

Ҳамза туманидаги "Янги-обод" улғуржи савдо бозори олдида қаровсиз қолган "Дамас" автомашинасидан бир неча қимматбаҳо кийим ва буюмларни ўғирлаётган Л. Файзиёв ва С. Комиловлар милиция ходимлари томонидан ушланди.

А. Икромов туманидаги Чилонзор — 12 мавзеси 39 уй 75-хонадон эгаси уйини фоҳишахонага айлантирган экан. Бу қўшмачи навбатдаги "мижозлар"дан 500 сўм олиб уйига қўйганида, сири фаш бўлди.

Ўз мухбиримиз.

ЭРТАНГИ КУНИМИЗ БУГУНГА БОҒЛИК

Сухбатдошимиз Хоразм вилоят ИИБ ЁСБ бошлиғи, ички хизмат подполковниги Илҳомбой МАТЕКУБОВ.

— Мана, янги 2000 йилни ҳам қарши олдик. Одатда ортага бир назар ташламасдан туриб, олдинга интилиш қийин. Чунки ўтган йил сарҳисоби йўл қўйилган хато ва камчиликлар яна такрорланмаслигига имкон яратади, шундай эмасми?

— Албатта. Йилни қандай якунлаш энг аввало ўзимизга боғлиқ. Чинакамига виждонан меҳнат қилинса, илғор тажрибалар ўз вақтида ҳаётга тадбиқ этиб борилса, муваффақиятларга эришиш қийин эмас.

Йил якуни бўйича гап кетганда, жамоамизнинг чинакам фидокорларча меҳнат қилганлигини фахр билан таъкидламоғим лозим. 1999 йил мобайнида вилоят ҳудудида жойлашган халқ хўжалиги масканлари ва аҳоли турар жойларининг ёнғин хавфсизлигини таъминлаш борасида қатор ибратли тадбирлар амалга оширилди. Ўтган давр мобайнида 12.525 та масканнинг, 351.853 та фуқаролар турар жойларининг ёнғинга қарши ҳолати батафсил текширувдан ўтказилди. Натижада ёнғинга қарши ҳолати қониқарсиз бўлган 1670 та масканнинг иш фаолияти вақтинчалик тўхтатилди, 10.078 та носоз ҳолатда бўлган электр ва газ жиҳозлари манбадан ажратилди. Ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилмаганликлари, давлат ёнғин назорати ходимлари талабларини бажармаганликлари учун 3463 нафар мансабдор шахс ва фуқароларга 2.362.110 сўм миқдорда жарима солинди. Тўғри, камчиликларимиз ҳам йўқ эмас. Лекин уларни ўз вақтида тузатишга ҳаракат қилдик.

— Ёнғин тилсиз, чегара билмас ёвдир. У ҳеч ким ва ҳеч нарсани аямайди. Ёнғин содир бўлиши аввалги йилларга нисбатан камайдими ёки аксими?

— Ўтган давр мобайнида вилоят ҳудудида 1.011 та ёнғин содир бўлиб, улардан келтирилган моддий зарар миқдори 10.592.931 сўмни ташкил этди. Ёнғинларда 6 нафар инсон ҳалок бўлди, 35 нафари эса тан жароҳати олди. Бу, албатта, ташвишли ҳолдир. Лекин йил давомида олиб борилган саъй-ҳаракатларимиз ўз самарасини берди. Олдинги йилдан ёнғинлар содир бўлиши 9,2 фоизга, ҳалок бўлганлар эса 45,5 фоизга камайди.

— Ёнғин келиб чиқишининг асосий сабаблари нималарда деб ҳисоблайсиз?

— Биласизми, ходимларимиз йил давомида ёнғин содир бўлишининг олдини олиш бўйича аҳоли билан кўплаб учрашувлар ўтказишди, тушунтириш ишлари олиб боришди. 15 мингдан зиёд эслатмалар тайёрлаб, аҳолига тарқатилди. Оммавий ахборот воситалари орқали тушунтириш ишлари ўтказилди. Шундай бўлса-да, кўпгина кишиларимиз оддий ёнғин хавфсизлиги қоидаларини ҳам билишмайди. Рақамларга мурожаат қилсак. Оловдан эҳтиётсизлик билан фойдаланиш оқибатида 482 та, ёш болаларнинг олов билан ўйнаши натижасида 241 та, иситиш асбобларининг носозлиги сабабли 143 та ёнғин содир бўлди.

— Корхона ва ташкилот раҳбарлари ёнғинларнинг олдини олишга етарлича эътибор қаратишаяптими?

— Ходимларимиз томонидан ўтказилаётган текширишлар шуни кўрса-

таяптики, ҳалигача айрим корхона ва ташкилот раҳбарлари ёнғин хавфсизлигини таъминлашдек ўта муҳим масалага етарлича эътибор қаратмаяпти. Натижада кўпгина халқ хўжалиги масканларининг ёнғинга қарши ҳолати амалдаги қоидалар талабларига жавоб бермайди. Масалан, "Гурлан" ҳиссадорлик жамияти, вилоят соғлиқни сақлаш бўлими, Қишлоқ ва сув хўжалиги корхонаси, "Богот тўқувчи" очик турдаги ҳиссадорлик жамияти, "Хоразмтранс", "Хоразмдапахтасаноатсотиш", "Хоразмсаудо", "Урганчөг", вилоят халқ таълими бошқармаси, Дон маҳсулотлари ҳиссадорлик бирлашмаларига қарашли масканларда давлат ёнғин назорати томонидан берилган кўрсатмалар ва ёнғин хавфсизлиги қоидалари талаблари йилдан-йилга бажарилмасдан келинмоқда. Бундай ўз ишига лоқайд муносабатда бўлишга раҳбарларга зарур чоралар кўриш мақсадида юқори ташкилотларга ёзма равишда мурожаат қилдик.

1999 йилнинг 15 декабридан 2000 йилнинг 15 январигача "Ёнғин хавфсизлиги ойлиги" ўтказилди.

Ойлик чоғида мингдан ошдиқ масканнинг, 43 мингдан зиёд аҳоли турар жойларининг ёнғинга қарши ҳолати текшириб чиқилди, 102 та масканнинг иши белгиланган қоидаларга риоя қилинмагани учун вақтинчалик тўхтатилди, 754 та жойда носоз ҳолатда бўлган электр ва газ жиҳозлари манбадан ажратилди, 231 мансабдор шахс ва фуқароларга қонун талаблари доирасида жарималар солинди. Ёнғин хавфсизлигини таъминлаш юзасидан аҳоли ўртасида тушунтириш ишлари олиб борилди. Амалий ишларимиздан яна бири

Сухбат



11 хилда 9000 нусхадан иборат плакат ва эслатмалар чоп этилиб, аҳолига тарқатилди.

— Янги йилдаги режаларингиз?

— Назаримда, янги йилнинг илк кунини қандай бошласангиз, унинг якуни ҳам шундай бўладигандек туюлади. Шу боис 2000 йилнинг биринчи кунидан бошлаб ишга жиддий киришдик. Қилиниши лозим бўлган ишларимиз жуда кўп, режаларимиз улкан. Сидқидилдан меҳнат қилинсагина барча ишларни кўнгилдагидек удалаш мумкин. Бунга аҳил жамоамизнинг кучи етарли.

Мамлакатимиз кун сайин ривожланмоқда, чирой очмоқда. Иқтисодий соҳада илғор тажрибаларга суянган ҳолда иш олиб борилмоқда. Одамнинг онги, дунёқараши ўзгармоқда. Бугун кечагидан яхшироқ, унумлироқ ишламоғимиз зарур. Буни меҳнаткаш жамоамиз яхши билишади.

— Сухбатингиз учун раҳмат.

Сухбатни Худойберган ЖАББОРОВ ёзиб олди.

ИНДАМАСНИНГ ИЛЛАТИ

Меҳнатобод туманидаги Охунбобоев номидаги деҳқон фермер хўжалигида яшовчи Ш. Вали кейинги пайтда камгал, одамови бўлиб қолди. Кишилар билан деярли гаплашмас, рўпарадан чиқиб қолган танишининг савол-жавобига қисқа, узук-юлуқ жавоб қилиб, ўзини четта олишга ҳаракат қиладиган аҳволга тушди. Айримлар уни оғирроқ касалга йўлиққан деса, айримлар бирор ножўя иш қилгани, дея шубҳаланарди. Ш. Вали эса ўзи ҳақидаги гапларни эшитса ҳам, эшитмасликка олиб, ўзини пана-пасткамга уришдан қол-

масди. Албатта, туппа-тузук йигитнинг бу аҳволга тушиши кўпчиликни қизиқтирмай қолмайди, айниқса, ички ишлар идоралари ходимларини.

Ҳаммаси Ш. Вали Гулистон шаҳрига бориб келгандан кейин аён бўлди. Шаҳарда у номаълум шахсга наша сотаётганда қўлга тушди. Изқуварлар унинг уйига келиб, текширув ўтказишганида яна ярим килога яқин оғу топилиди. Индамаснинг иллати аён бўлди.

К. БОБОВ,
милиция майори.

БЕДАРАК ЙЎҚОЛГАН



Жиззах вилояти Зомин тумани ИИБ томонидан Рустам Пўлатович ЎРАЗАЛИЕВ қидирилмоқда.

У 1978 йилда Жиззах вилояти Жиззах тумани Ардахшан қишлоғида туғилган. 1999 йили 15 июнь кунини уйдан чиқиб кетиб қайтиб келмаган.

Белгилари: бўйи 160-165 см, озгиндан келган, юзи чўзиқроқ, бугдой ранг, сочи қора, қоши қора, ёйсимон. Алоҳида белгилари йўқ, руҳий касал.

Кийимлари: эғнида енгги калта оқ кўйлак, қора шим, оёғида қора рангли ботинкаси бўлган.

Рустамни Ўразалиевни кўрган ёки қаердалигини билганлардан яқин орадаги милиция бўлимига хабар беришларини сўраймиз.

ЖОНКУЯР ХОДИМ

Пахтабод тумани ички ишлар бўлими, Давлат автомобиль нazorати бўлини маси йўл-патруль хизмати катта нозир, милиция катта лейтенанти Тожимамат Ҳақимовнинг бошқа ҳамкасбларидан ажралиб турадиган хусусиятларидан бири у ўта сезгир, синчков. Ўтган йили у бир ҳамроҳи билан катта йўлда тезликни ошириб келаётган "Жигули" автомашинасини тўхтатди. Унда ҳайдовчидан ташқари яна уч йўловчи бор эди. Ҳайдовчининг ҳужжатлари жойида, камчилиги йўқ экан. Унинг ҳужжатларини қайтариб бераётган ДАНБ ходими йўловчилардан бири безовталаниб қолганлигини билди-да, якка суҳбатга тортиди. Шу пайт ўша йигит ўзини машинадан ташлаб, шудгорга қараб қочди. Эпчиллик билан орқасидан югурган милиция ходими уни тутиб олди. Маълум бўлишича, у ўғри бўлиб, машинада Избоскан туманида яшовчи бир фуқаронинг иккита гиламини ўғирлаб, Пахтабод бозорига олиб келаётган экан.

Қирғизистон Республикаси Новкент туманида яшовчи, ҳеч қаерда ишламайдиган Алишер Усмоналиев ҳамда Марғилон шаҳрида яшовчи, ҳеч қаерда ишламайдиган Азиза Тўхтасинова, Қундузхон Маъмуровалар

туманга келиб, Маданият қишлоғида "қўним" топишган. Улар бир килограмм 300 грамм героин гиёҳвандлик моддасини уч юз саксон минг сўмга сотаётган пайтларида қўлга олинганлар.

Туманининг Маданият қишлоғи Тошқўрғон маҳалласида яшовчи фуқаро Х. И. ҳам кўпчиликнинг ҳақидан қўрқмади. У "бизнес" ишини Қирғизистон республикасида Маданият чегара пости орқали 400 килограмм шакарни олиб ўтиб кетишдан бошламоқчи эди-ю, аммо, милиция ходимларининг қўлига тушгач, хатосидан бармоқ тишлаб қолди.

Ўз ишининг жонкуяри Т. Ҳақимовнинг саъй-ҳаракатлари билан Избоскан тумани Пойтуғ шаҳрида яшовчи Улуғбек Эгамовнинг "армони" ушалмай қолди. Улуғбек ўз халқининг моддий бойликларига хиёнат қилиб, Қирғизистонга 400 литр соляркани олиб ўтиб кетмоқчи эди. Унинг "моли" давлат фойдасига мусодара қилиниб, ўзи белгиланган қонун бўйича жарима тўлади.

Ҳа, Тожимамат Ҳақимов ака шундай: халқи учун хизмат қилиб асло толмайдиган йигитлардан бири.

Ўз мухбиримиз.

Милиция подполковниги Носиржон Мамадиев ярим асрдан буён ички ишлар тизимида хизмат қилади. Хизматни жино-

Пайҳонгарчиликнинг олдини олишда асосан вазирамиз ризқи-рўзимиз бўлган донни нест-нобуд қилмасдан сақлашдан иб-

бўлганлиги сабабли назорат қанчалик кучайтирилмасин барибир айрим фуқаролар томонидан четга озиқ-овқат маҳсулотлари ҳамда товар моддий бойликлари, ёнилғи-мойлаш материаллари олиб ўтишга ҳаракат қилинмоқда. Аммо ҳушёр ходимлар томонидан уларнинг деярли ҳаммаси ушланиб, тегишли қарорлар билан давлат фойдасига мусодара қилинмоқда. Пахтабод тумани Андижон жамоа ҳўжалигидаги Тожик маҳалласида яшовчи У. Аҳмедов 300 литр соляркани ҳеч қандай ҳужжатсиз Қирғизистон Республикасига олиб ўтиб кетаётганлиги "Маданият" чегара пости ходимлари томонидан аниқланиб, унга тегишли чора кўрилди.

Избосканлик О. Жумабоева етти қоп унни Қирғизистон Республикасига олиб ўтиб, мўмай пулга сотиш иштиёқида йўлини Пахтабод томонларга солди. "Маданият" чегара постида ҳушёр ходимлар томонидан 24500 сўмлик ун ушлаб қолинди ва давлат фойдасига мусодара этилиб, Ойшахоннинг ўзи маъмурий жазоланди.

раттина эмас, балки қишлоқ ҳўжалигининг бошқа соҳаларини ҳам сақлашдан иборатдир. Мисол учун, туманда газлаштириш ишлари тўлиқ амалга оширилмаганлиги оқибатида кўпчилик хонадонларда печка, сандал ишлатилади. Уйлар чўян печкалар билан иститилгандан кейин унча-мунча ўтин, кўмирни етказиб бўлмаслиги табиий. Шунинг учун ҳам аҳоли зич жойлашган маҳаллалардаги экин майдонларидаги тутларни кесиб, ўтин сифатида фойдаланиш ҳоллари учраб турибди. Қарор чиққандан шу кунгача ўн бир марта тутларни ноқонуний равишда кесиш ҳоллари аниқланиб, уларга кескин чоралар кўрилди.

Юқорида таъкидлаганимиздек, туман Қирғизистон билан чегарадош

РЕЖАЛИ ИШ БЕЖОҒЛИК

ят-қидирув ходими сифатида бошлаган бўлса-да, раҳбарият Носиржонни қаерга ишониб юборса, ўша жойда хизматни сидқидан давом эттириб кетаверади. Шу кунларда у туман ИИБ бошлиғи. Пахтабод Андижон вилоятининг қўшни Қирғизистон Республикаси билан чегарадош туманларидан бири. Яқинда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Экинларнинг пайҳон қилинишига қарши кураш самарадорлигини ошириш тўғрисида"ги Қарори бўйича туманда сезиларли ишлар амалга оширилди. "Пайҳон-2000" режаси ишлаб чиқилди. Режа бўйича кузатув постлари ташкил этилди. Жойларга масъул шахслар қўйилди.

КИСКА САТРАЛДАРДА

Дин пешволари орасида айрим шайтон васвасасига учганларнинг қилаётган ишларидан ёқа ушлайсиз. Яқинда бошланган ҳаж сафари баҳонисида ўз ҳамёнини тўлдириш пайида бўлган Иштихон тумани бош имом-хатиби О. Муҳиддин ҳажга юборишга ваъда бериб, Р. Аликуловдан 70.000 сўмни пора сифатида олаётган пайтида ушланди.

Эр-хотин уриши доқа рўмол қуриши, деган пурҳикмат мақол замонамизга тўғри келмай қолган, шекилли. Буни қарангки, А. Раҳмон турмуш ўртоғи А. Галина билан ўзаро жанжаллашиб унинг жағига пичоқ билан уриб тан жароҳати етказган.

Меъёридан ортиқ ичиб олган каттакўрғонлик Р. Неъмат ўзи яшаб турган маҳалла қабристонига бориб, қабр тошларини йиқитиб, безорилик қилган. Безори ушланиб, унга нисбатан тегишли чора кўрилди.

К. Ўлмас уйини бир зум кўздан кечирди-ю яшириб қўйган 21.200 сўм пули йўқлигини сезиб қолди. Хотини олмаганлигига ишонч ҳосил қилгач, зудлик билан милицияга мурожаат этди. Олиб борилган тезкор ишлар натижаси ҳам кулгили, ҳам ачинарли бўлиб чиқди. Пулларни Ўлмаснинг уйига меҳмонга келган қайнонаси Н. Светлана ўғирлаган экан.

М. АБДУРАҲИМОВА,
милиция старшинаси.

ЁНҒИНАДАН САҚЛАНИШ БАРЧАНИНГ ИШИ

Кимларнингдир бепарволиги, эътиборсизлигидан содир бўлган ёнғинлар натижасида шаҳримиздаги корхона, ташкилотлар, хусусий хонадонлар катта зарар кўраётгани сир эмас. Жумладан, шу йилнинг ўтган январь ойида шаҳримизда 141 та ёнғин содир бўлиб, унинг асоратлари орқасида 4 киши ҳаётдан кўз юмди, 5 киши оғир тан жароҳати олди. Кўрилган зарар эса бир неча юз минг сўмдан ошиб кетди.

Ҳар бир содир бўлаётган ёнғин асосан одамларнинг айби билан содир бўлади. Чунки баъзибир корхоналарда, маъмурий биноларда, ўқув масканларда, даволаш масканларида, айниқса, турар жойларда ёнғин хавфсизлигини таъминламаслик, ёнғин назорати бўлими ходимларининг кўрсатмаларини ўз вақтида бажармаслик, огоҳлантиришларга бепарволик билан қараш, катталарнинг лоқайдлиги, масъулиятни унутиб қўйишлари натижасида ёнғинлар содир бўлмоқда. Ҳар бир ёнғин — бу йўқотишдир, йиллаб йиққан мол-мулклар санокли дақиқаларда ёниб қўл бўлади.

Бектемир тумани Нурафшон кўчаси 52-уйда ёнғин содир бўлди. Ёнғин оқибатида уй жиҳозлари ва ўрин-кўрпа ёнган. Ёнғин аянчлиси ёнғинни ўчириш вақтида фуқаро Угай А.нинг жасади топилган.

Яккасарой тумани Муқимий кўчаси, 17-уй, 14-хонадонда ёнғин содир бўлганлиги ҳақида хабар келди. Тездан ўт ўчириш машиналари белгиланган манзилга етиб боришди. Ёнғинни ўчириш вақтида ушбу хонадон эгаси фуқаро Антон Ивановнинг жасади топилди.

Ёнғин чиққанда дарҳол "01"га қўнғирок қилинг, ҳамда ўт ўчириш ходимлари етиб келгунга қадар ёнғинга қарши дастлабки чораларни кўриб, ўт ўчиришга киришинг, агарда хоналарда одамлар қолган бўлса, уларни қутқаришга киришинг.

Шуни эсда тутингки, фақат ёнғинга қарши чора ва тадбирларга риоя қилганда ёнғиннинг олдини олиш мумкин.

Ф. САЪДУЛЛАЕВА,

ички хизмат катта лейтенанти.

Марғилон шаҳар 10-сонли мустақил ҳарбийлаштирилган ўт ўчириш қисмига Б. Марғилоний кўчасидаги қурилиш моллари бозори ёнида жойлашган Шўхратилла Раззоқовга тегишли хусусий ошхонада ёнғин бўлаётгани ҳақида хабар тушди. Бўлинма воқеа содир бўлган жойга етиб келганда ошхона аланга билан қопланиб ёнаётганлигини ва бир неча фуқароларнинг тан жароҳати олганлиги маълум бўлди. Жабр кўрган фуқароларга биринчи тиббий ёрдам кўрсатилиб, уларни касалхонага юборилди, ёнғин тезда бартараф этилди.

Ёнғин натижасида ошхонанинг эшик ромлари, том қисми ва ичкарида бўлган ёғоч стол ва стуллар зарарланган. Ёнғинни ўчириш жараёнида ошхона ичидан Исроилов Неъмат, Муродов Шерали ва Собиров Одилхонларнинг жасадлари топилган.

Бундан ташқари 5 нафар фуқаро турли даражадаги куйиш тан жароҳати олганлар.

Ошхонага 55 литрли газ баллони чай қайнатиш учун келтирилиб, икки камфоркали газ плитасига резина шланг орқали улаб фойдаланилган ва баллондан суюлтирилган газни сизиб чи-

қиб хонага йиғилиши ва газ камфоркасидаги очик алангадан бевосита алангаланиши ёнғин чиқишига сабаб бўлган.

● Тўшақда ётиб сигарет чекиш оқибатида Яккасарой тумани, Муқимий 1-тор кўчаси-

да 17-уй, 14-хонада яшовчи А. Иванов хонадонидан ёнғин содир бўлган ва бу офатда кўрпа-тўшақлар ёниб зарарланган. Тутунга тўлган хонада уй эгаси димиқиб ҳаётдан кўз юмган.

● Юнусобод тумани 11-даҳа 31-уйда содир бўлган ёнғинда ҳам ўрин-кўрпа ва кийимлари ёнган фуқаро Б. Алексеев тутундан димиқиб, вафот этган.

● Уйдаги газли иситиш печини ёқишда жўмакни узоқ вақт очиб қўйиб гургут ёқиш — портлашга, ҳеч бўлмаганда чакнаш содир бўлиб тан жароҳати етказиши мумкинлигини ёддан чиқарган Шўрчи тумани Бердиев жамоа ҳўжалиги фуқароси Д. Қодирова айнан мана шу сабаб туфайли жабрланиб, оғир аҳволда касалхонага ётқизилди.

● Болаларнинг ёниб турган алангага дизель ёқилгисидан сепиб ўйнашлари натижасида кўтарилган аланга кийимларига ўтиб кетиб Қизилқум тумани, Маданият қишлоғида яшовчи 8 ёшли Ботир ва Жасур қўйиб, касалхонага ётқизилганлар. Ботирнинг аҳволи оғир бўлиб, шифокорлар унинг ҳаётини сақлаб қолиш чораларини кўрмоқдалар.

Гиёҳвандлик моддаларини ўлат келтирувчи оғу деймиз. Унга мубтало бўлганларнинг эртаси йўқ, бу мудҳиш иллатга қарши бутун дунёда кураш олиб бориляпти. Жумладан, шаҳримизда ҳам гиёҳвандлик моддаларини сотиш, сақлаш каби ғайриқонуний ишларга қарши қатъий ҳаракатлар олиб борилмоқда. Одатда бу оғуларга шифокорлар, инсонларнинг саломатлиги ҳақида қайғурадиган кишилар тиш-тирноғи билан қаршилиқ кўрсатишади. Бироқ, самарқандлик руҳий касалликлар шифокори эса оғуфурушлик билан шуғулланар экан. Унинг кишиларни даволаб, касалликдан фориғ этиб, яна оғу бериб, ўлатга йўллаганини қандай тушуниш мумкин.

Фахриддин О. исми бу шифокорни, шифокор дейишга тил бормади аслида. Абдуазиз исми шахсга 18 грамм қорадорини 7000 сўмга сотаётганида қўлга туширдик. Унинг уйи текширувдан ўтказилганда, яна 80 грамм оғу чиқди. Шифокорлар Гипократ қасамига содиқ қолиб, ўз жонини фидо қилиб бўлса-да, беморни даволашга сўз беришади. Бироқ, Фахриддин О. эса соғлом кишиларни бедаво дардга йўлиқтирган. Шифокорнинг "дориси" йўқ қилинди, ўзига нисбатан чора кўрилди, бироқ "доридан" баҳраманд бангиларни энди ким даволайди.

Илҳом МАНСУРОВ,
катта участка вакили,
милиция майори.

БИРИНЧИЛАР ҚАТОРИДА

Шаҳар ИИБ ХЧК ва ФБ ходимлари аҳолини миллий паспорт билан таъминлашда бир қатор ишларни амалга оширдилар.

Ўтган йилнинг охиригача 58 мингга яқин аҳолига Ўзбекистон фуқаролиги паспорти берилди. Шунингдек, паспорт тизими қоидаларининг баҳарлигини текшириш мақсадида 98957 хусусий ва давлат секторлари, 86696 та уй ва хонадонлар, 187 меҳмонхоналар, 11999 та корхоналар, 38 та масжидлар текширилган. Текширувлар вақтида 3797 қонунбузарликлар аниқланган. Айнан 2000 йил январь ойида эса 137 та қонунбузарлик ҳоллари аниқланди. Шулардан 127 нафари Ўзбекистон фуқаролари, уларга нисбатан тегишли чоралар кўрилди. Бўлимга бошлиғи милиция капитани Шўҳрат ака Жўраев бошлиқ жамоа ходимлари иш жараёнида бир неча жиноят қилган шахсларни аниқлашди. Масалан: Самарқанд шаҳар фуқароси И. З. Украинадан келган Очиловлар оиласини 12-шаҳар бўлинимаси томонидан вақтинчалик Самарқанд шаҳар Ютуқ кўчаси 31-уйга рўйхатдан ўтказган. И. З. номли шахс буларни доимий рўйхатдан ўтказиб бераман деб ишонтиргач 600 АҚШ долларини олган. Очиловлар оиласини маҳалла кўмитаси раиси, шаҳар ИИБ паспорт тизими хизмати ходимлари безовта қилавергач, фарибгар-найрангбознинг қўлига илинганлигини тушуниб етган. Сўнгра украиналик фуқаролар кўп ўйлаб ўтирмай милиция ходимларига хабар беришган.

Ж. ҒОИПОВ.

Жиноят содир этишда гумон қилинган шахснинг бармоқ изларини тушириб, жиноятчини аниқлаш криминалистнинг энг қадимий қуролларидан биридир. Бугун криминалистика энг замонавий услублар ва техникалар билан қуролланган даврда ҳам, жиноятчини бармоқ изларидан аниқланди деган гапни тез-тез эшитиб тураемиз. Бу эски ҳамда синалган воситадир. Самарқанд шаҳар ИИБ эксперт-криминалистика бўлимида бунинг яна гувоҳи бўлдик.

Криминалистика хизматини ривожлантиришни режалаштирар экан, бўлим бошлиғи, милиция подполковниги Н. Каграманов, мавжуд асбоб-ускуналар, техник воситалардан унумли фойдаланишга, уларнинг самарасини хизматда намоён этилишига ҳаракат қилади.

Жиноят содир этилган

КРИМИНАЛИСТНИНГ ЭСКИРМАС ҚУРОЛИ



қилиниб ушланганларнинг ноҳўя ишини аниқлашда қўл келяпти.

Ўтган йили март ойида шаҳарнинг Фитрат кўчасидаги хусусий дўконда ўғрилиқ қилган шахсларни аниқлашда катта эксперт С. Бонадиев ана шу картотекадан фойдаланди ва жиноятчиларни бармоқ изларидан топишга эришди.

Ўз мухбиримиз.

Суратларда: бўлим ходимлари, экспертлар — милиция капитани И. Убайдуллаев ва милиция катта лейтенанти А. Низомовлар.

А. САПАРМАТОВ
олган сурат.

жойга тезкор гуруҳ таркибида борган бўлим ходимлари жиноят изларини топишда фаол иштирок этиб, бор билим ва маҳоратларини ишга соладилар. Албатта, жиноят очилмай қолган пайтда бармоқ изларининг

картотекасига мурожаат этишга тўғри келади. Бўлимда илгари судланган ва жиноят қилишга мойиллиги бор шахсларнинг бармоқ излари картотекаси мавжуд бўлиб, жиноят-қидирув ходимлари томонидан гумон

ТУНУ КУН ШАҲАР ХИЗМАТИДА



Самарқанд шаҳрини қаерида ва қайси вақтда бўлмани, албатта, ёнига "РРХ" белгиси туширилган автомашиналарни, қўлида рация билан боғланиб, атрофни кузатиб юрган милиция ходимларини учратасиз. Булар пост-патруль хизмати ходимлари. Жамоат жойларида тартиб сақланиши, турли хил жиноятларнинг содир бўлмаслиги учун курашаётган бу фидойи кишилар ҳушёрлик ва сезгирлик билан атрофни назорат қилиб туришади.

...Ярим тунда ҳудудни айланиб Бедил кўчасидаги қабристон олдида ўтиб кетаётган милиция сержанти А. Мўминов ва милиция катта сержанти С. Шодиевлар қоронғуда кимнидир қоп орқалаб қабристондан чиқиб келаётганда шубҳаланиб тўхтади. Бекорга шубҳаланишмаган экан, аввалига қочишга уринган шахс, кейин айбини бўйнига олди. Ҳеч қаерда ишламайдиган О. Абдуллаев қабристондаги алюмин панжараларни синдириб олиб кетаётган эди.

— Ходимларимиз томонидан ўтган йили юздан ортиқ жиноят изи соғумай очилди, — деди шаҳар ИИБ ППХ бўлини маси бошлиғининг ўринбосари, милиция капитани Шерали Рўзиев. — Бир неча минг фуқаро жамоат тартибини бузгани, майда безорилик қилгани ва бошқа қонунчиликка зид ишлари, ҳаракатлари учун ушланиб, тегишли чоралар кўрилди. Бўлини маси тарзда автомашиналар билан таъминланган, ходимларимизнинг жисмонан ва жанговар чиқиши учун шарт-шароитлар яратилган. Маданий-маиший ишларни янада жонлантириш учун алоҳида хоналар ажратилиб, зарур нарсалар билан жиҳозланган.

Шаҳарда жамоат тартибини сақлаш шунчаки жўн иш эмас, албатта. Айниқса, ҳар куни юзлаб чет эллик ва республикамиздан келган саёҳатчилар келиб-кейтиб турган Самарқандда ҳушёрлик ва сезгирлик анча юқори бўлиши керак. Чегарадош вилоятлардан ҳам савдо-сотиқ учун минглаб кишилар келиб туришади. Милиция ходими деярли ҳар бир кишининг қадам олиши, ҳаракатини кузатиши лозим. ППХ бўлини маси ходимлари эса

бу ишни уddасидан чиқишяпти.

— Биз фахр билан тилга оладиган ходимларимиз кўпчиликни ташкил этади, — деди Ш. Рўзиев. — Милиция сержанти Ф. Абдуллаев ўтган йили 6 та гийҳвандлик савдо-сотиғини амалга ошираётган кишиларни ушлади ва яна ўнга яқин жиноятларни очишда фаоллик кўрсатди. Милиция старшинаси Фирдавс Оқилов сардорлик қилаётган бўлини маси ходимлари ҳам хизматда намуна бўлишяпти.

Шаҳарда тинчлик-осойишталик ҳукмрон. Кимдир бозорга, кимдир ишга шошади, кўчаларни болаларнинг ишх қийқирғи тутган.



Ҳамма беҳавотир, хотиржам. Чунки, шаҳарни ППХ ходимлари туну кун қўриқлашяпти.

Ўз мухбиримиз.

Суратларда: шаҳар ИИБ ППХ ходимларининг хизматидан лавҳалар.

Суратларни А. САПАРМАТОВ олган.

ОДАМЛАРНИНГ ҲУШЁРЛИГИ ОРТЯПТИ

Яқинда бир дўкон олдида турган автомашина эшигини очишга уринаётган икки ўсмирни кўрган кишилар тезда уларни ушлаб, милиция ходимини чақиришибди. Воқеа жойига етиб келган ходимимиз, ўсмирларни автомашина ичидаги буюмларни ўғирламоқчи бўлганликларини аниқлаб, бўлимга олиб келди.

Ўсмирларни ўз вақтида ушлаб, ўғирлик жиноятини олдини олган фуқаролардан роса хурсанд бўлди. Агар ўсмирларнинг ноҳўя ҳаракатини кўриб-билиб туриб, тескари қараб, кўрмаганга олиб кетилганда эди, ўсмирлар бундан хурсанд бўлиб, жиноятни давом эттирарди, кичкина ўғирликдан, каттароқ жиноятга ўтарди.

Бизнинг бўлим хизмат кўрсатаётган ҳудуд, шаҳарнинг қоқ маркази ҳисобланади. Олиб борилган таҳлиллар жиноятлар асосан бошқа мавзе, даҳалардан келиб-кетаётган кишилар томонидан содир этилаётганини кўрсатди. Бу эса бизга яқин бўлган ҳудудларга хизмат кўрсатаётган



ШМБлар билан ҳамкорликда ишлаш, жиноятчиларни топишда баравар ҳаракат қилишга ундайди. Амалда ҳам шунга эришяпмиз.

Жиноятлар кўпроқ, илгари судланган, қамоқ жазосини ўтаб келиб, ишга жойлашмай юрганлар томонидан содир этилишини кўпчилик билади. Шаҳар ҳокимлиги бу ишга жиддий муносабатда бўляпти, илгари судланганларни имкони борича ишга жойлаштиришга ҳаракат қилляпмиз.

Кейинги пайтда милиция хиз-

мат тузилмаларидаги ўзгартишлар, ходимларга яратилаётган шарт-шароитлар, куйи звеноларга ҳуқуқларнинг кўпайтирилгани яхши самаралар беряпти. Участка вакилларининг сони ортди. Бу уларнинг фуқаролар билан янада яқинроқ бўлишига имкон берди. Чунки 5-6 минг аҳолига бир участка вакили ҳам назорат қилиб туради.

Яқинда ходимларимиз томонидан етти кишилик жиноий гуруҳ қўлга олинди. Суриштирувда уларнинг йигирмага яқин жиноятлари очилди. Асосан хонадонларда ўғирлик билан шуғулланган бу гуруҳни қўлга олишда бизга бевосита фуқаролар ҳам кўмаклашишди.

Шуни мамнуният билан айтиш мумкинки, фуқароларимиз милиция билан янада яқинроқ бўлишга интилишяпти. Ҳамкорлик, баҳамжиҳатлик билан ишлашнинг мақсадини тушуниб етишяпти.

Биз тез-тез фуқаролар билан учрашувлар ўтказиб турамыз. Суҳбатларда бир маҳаллага хизмат кўрсатаётган битта участка вакили фуқаролар томонидан қўллаб-қувватланмаса ҳеч бир ишни қилолмаслиги, жиноятчилар билан кураша олмаслигини айтиб далиллар, мисоллар келтириб, милиция ходимига фуқаролар кўмаги зарурлигини тушунтирамыз.

Ҳаракатларимиз зое кетмаёт-

ганидан мамнун бўлса арзийди. Чунки, одамлар жиноятчиликнинг олдини олиш, унга қарши курашда милиция билан ҳамкорлик қилиш зарурлигини тушуниб етишяпти, унга мадад қўлларини чўзишяпти.

Шу ўринда мен бир фикримни айтиб ўтмоқчиман. Кейинги пайтда шаҳримизда "Nexia", "Damas" ва "Tico" автомашиналари эшигини очиб, буюмларни ўғирлаш ҳодисаси кўп учраяпти. Маълум бўлишича, бу машиналарнинг бир эшигидаги қулфни бузиб очса, қолган эшиклар ҳам, ўз-ўзидан очилиб кетаркан, бу албатта, ўғирлар учун қулай. Автомобилсозларимиз ана шуни ҳисобга олиб, эшиклар қулфи тизимини мукамаллаштириш чорасини кўришса, айна муддао бўларди.

Қадимий ва навқирон Самарқанд шаҳрида тинчлик ва осойишталикни сақлаш, жиноятчиликни олдини олиш ва унга қарши курашдек масъулиятли вазифани бажаришда катта участка ноэири милиция капитани Б. Қосимов, ЖКГ катта вакили милиция майори М. Исаев каби кўп йиллик тажрибага эга бўлган ходимларимиз ва бир қатор ёшларимиз намунали хизмат қилишяпти.

Маҳмуджон НАБИЕВ,
4-ШМБ бошлиғи,
милиция подполковниги.

ЖИНОЯТЧИ ЧЕТДАН КЕЛМАЙДИ

Милиция хизматида 28 йилдан бери ишлайман, шундан 22 йили бевосита жиноят-қидирув хизматида ўтяти. Ким билади, хизматимизга яраша Оллоҳнинг ўзи шундай яратганми ёки кўп йиллик тажрибаларимизданми, жиноятчилар дарров кўзга ташлана қолади. Албатта, халқимизда иллати борнинг оёғи қалтирайди, деб бежиз айтишмайди. Нопок кишилар, бирор ноҳўя иш қилган бўлса, милиция ходимини кўрди дегунча, қочиб пайида бўлади, сўзлашганда ҳадиксираб, кўзлари бежо бўлади.

У. Виктор ва С. Азимлар қалин дўст, нарко-бизнес билан шуғуллангани учун қамалиб чиққан. Бир неча марта ишга жойлаштириб қўйганмиз, лекин ёлчичиб ишлашмади. Охириги пайтда хонадонларга кириб ўғирлик қила бошлаган бу икки ҳамтовоқни яна қамоққа жўнатишга мажбур бўлдик.

К. Денис тузган гуруҳи эса шаҳарнинг гоҳ у четида, гоҳида бу четида, марказида ўғирлик билан шуғулланган. Қалаванинг учини топиб олиб, секин-аста тортгандик унинг кетидан иккинчи гуруҳ ҳам қўлга тушди. Ўғирлик қилиш учун, уларнинг тили билан айтганда "санъат" керак. Дарҳақиқат, гоҳида улар шундай усталик билан иш туттишдики, анча вақт изини тополмай қоламиз. Ана шунда, албатта, фуқароларга мурожаат эта-миз. Кейинги вақтда бизни тўғри тушуниб, жиноят изларини топиш, жиноятчиларни аниқлашда фуқаролар ёрдам беришяпти.

Қарс икки қўлдан чиқади, деганларидек фуқаролар бизга ёрдам беришмаса, жиноят сонини камайтириш мушкул. Масалан, Б. Музаффар исмли шахс тузган гуруҳ босқинчилик билан шуғулланган. Анча вақт уларни қўлга олишнинг имкони бўлмади. Жабрланганлар атрофидагиларга вазиятни тушунтириб, кўрган-билганлариндамай ўтираверса, эртага босқинчилар ўшаларнинг уйига ҳам келиши мумкинлигини айтди. Ана шундан кейин жиноятчиларни ушлашда далиллар топдик. Уларнинг яширинган жойидан 51 та автомобил ўқи, 1 та пулемёт ўқи, ўқотар куроллар топилиди. Ш. Азиз гуруҳини ушлашда ҳам фуқаролар берган маълумотлар қўл келди. Асосан автомобилотранспорт воситаларини ўғирлаш билан шуғулланган бу гуруҳни жиноят устида қўлга олдик.

Шу боис ҳам кейинги пайтда талончилик, қотиллик каби жиноятлар камайди. Оғир жиноятми, енгил тан жароҳати етказишми, барибир жиноят ҳисобланади. Чунки, бу ноҳўя ҳаракатлардан кимдир азият чекади. Шунинг учун ҳам биз имкони борича жиноятларни камайтириш учун курашамиз.

Мухсин ИСАЕВ,
милиция майори.

КИССАВУРЛАРГА ТУЗОК

роқ, йилда бир маротаба рўй берса ҳам ўша жиноятга қарши курашиш бизнинг вазифамиз, бурчимиз.

Шу ўринда ўғирликларнинг содир бўлишига айрим машина эгаларининг ўзлари ҳам айбдор эканликларини айтиб ўтиш ўринли. Бозорга, дўконга шошилиш келганлар, тезда чиқаман, деган ҳаёлда автомашинани очик қолдиришади. Бу эса пойлаб, имкониятни кутиб турган ўғирларга қўл келади.

Ходимларимиз яна киссавурларни ахтариш билан ҳам шуғулланадилар. Асосан аёл-

лар, кексаларнинг чўнтакларини "тозалайдиган", халта, киссаларини юлиб қочадиган ўғирлардан элликка яқинини ўтган йили топдик, уларга тегишли жазо берилди.

Киссавурлар ҳам асосан эҳтибorszроқ, эҳтиётсизроқ одамларнинг чўнтагини қоқлайди. Шунинг учун фуқароларимиз бозорларда, одамлар гавжум жойларда, автобус, троллейбусларда юрганда ҳушёрроқ бўлишлари керак.

Ходимларимиз ўз вазифаларини бажарар эканлар бир жиноятчини ушлаб, унинг яна бир неча жиноятини очили-

шига ёки шериклари, ҳамтовоқларини ҳам аниқлаб топишга эришишяпти.

Ўтган йили бир автоуловни ахтариб, бир қотиллик, икки талончилик ва яна таъмагирлик жиноятларини очдик.

Ходимларимиздан Нодир Маҳмудов, Эркин Сатторов, Жалол Болтаев, Фазли Раҳматуллаевлар тезкор ахтарув ишларида анча тажриба орттириб, жиноятларни очишда бор билим ва маҳоратларини сарфлашяпти.

Азамат СОБИРОВ,
шаҳар ИИБ тезкор ахтарув бўлими бошлиғи, милиция майори.

Ўтган йили Самарқанд шаҳрида 16 та транспорт воситаларини олиб қочиш ҳодисаси рўй берди. Шундан 15 таси очилди, ўғирлар аниқланиб, далилий ашё билан қўлга олинди, тегишли чора кўрилди, автомашиналар эгаларига қайтарилди.

Бўлимимиз ходимлари асосан автотранспорт воситалари олиб қочилганда, машиналар ичидаги буюмлар ўғирланганда, киссавурлик жиноятлари рўй берганда тезкор ахтарув ишларини олиб боради.

Тўғри, кейинги йилларда автотранспорт воситаларини олиб қочиш умуман республикамизда, жумладан, Самарқанд шаҳрида камайган. Би-

ФАРҶОНА ВИЛОЯТИ ИИБ ХАБАРЛАРИ

Кўқон педагогика институти ўқитувчиси А. Б. Ёш бўлса ҳам "уддабу-рон" чиқиб қолди. У сиртқи бўлим талабаларидан уларни синовдан "муваффақиятли" ўтказиш эвазига 23.000 сўм қуртдай санаб олди. Фақат... Фақат бундан шаҳар прокуратура ходимлари хабар топгани чатоқ бўлди-да. Энди домлажон қонун олдида жавоб берадилар.

Ўзбекистон тумани Ҳаётбод қишлоғида яшовчи Н. Ж. таниши, Қум қишлоғида И. М. дан бор-йўғи 3500 сўмга сохта тракторчилик гувоҳномаси ва огоҳлантириш талонини сотиб олди. Шу йил 30 январь кун дастлабки огоҳлантириш олди — ҳужжатларнинг қалбакилиги фош этилди. Энди кейинги огоҳлантиришларни кутяпти.

Кўқонлик Ш. А. "Текин бўлса, мих ют" дейдиганлар хилидан чиқиб қолди. У 9-сонли мактабдан ҳожатхона жиҳози (нималигини ёзишга ийманани киши) ва 2 метр металл қувурни ўғирлаб кетаётганида участка вакили қўлга тушиб қолди.

Бешариқ туманилик 9-синф ўқувчиси Р. С. кичкина бўлса ҳам бало экан. У маҳаллаошининг нақ 40.000 сўмлик новвосини ўғирлаб кетди. Ота-она шўрлик "Бошимизга бало бўлдинг, болам!" дейишаётганлар.

Данғара тумани Аравон қишлоғида Ж. Т. ва Р. М. ишхонада ўзаро жанжаллашиб қолишди. Ж. Т. жаҳини босолмасдан Р. М. га уч марта пичоқ урди. Натижада Р. М. оғир жароҳат билан касалхонага ётқизилди. Ж. Т. эса уйига келиб ўз жонига қасд қилди.

Андижон вилоятилик Т. У. Бешариқ тумани орқали Тожикистонга жами 514.000 сўмлик 37 та қимматбаҳо тақинчоқни олиб чиқиб кетмоқчи бўлганда қўлга тушди.

Кўқонлик хусусий тадбиркор Давлатой Туропованинг ертўласидан 727.500 сўмлик кийим-кечак ва материаллар ўғирланди. Осойишталик посбонларининг саъй-ҳаракати билан бу жиноятни содир этган И. Т. қўлга олинди.

Фарғонадаги 16-сон хунар-билим юртининг икки ўқувчиси "хунар кўрсатишди". Улар 21 ёшли, ҳеч қаерда ишламайдиган Э. М. га қўшилиб Қ. Мангутов хонадонига девор ошиб кириб, жами 100.000 сўмлик алюмин буюмларни ўғирлашди.

Бу муваффақият

"БЕПУЛ" ТУШЛИК 450 МИНГ РУБЛГА ТУШДИ

Бепул пишлоқ фақат қопқонда бўлади, дейишгани рост экан. Агар буни россиялик "КамАЗ" ҳайдовчи олдинроқ билганда, балки бегоналарнинг таклифини рад этган бўлармиди. Воқеа бундай бўлганди.

Ҳайдовчи машинасини машиналар қўйиш жойига қўйиб, буюртмачини кутиб ўтирарди. Бир пайт икки нотаниш йигитлар унинг олдида пайдо бўлишиб, ўзларини узоқ

масофага қатновчи ҳайдовчилар деб таниш-тирдилар. Бир пас хангома қилишгач, янги танишлар "КамАЗ" ҳайдовчисини тушлик қилишга таклиф қилдилар.

"Тушлик биздан, — дейишди йигитлар. Янги танишларнинг бепул тушлигига учган ҳайдовчи улар билан овқатланишга кетди. Тушликдан келиб ҳайдовчи "КамАЗ" фургони пломбалари узиб ташланганини кўрди. "КамАЗ" дан 9 тонна — 450 минг рубллик турли хил чойлар ўғирлаб кетилган эди.

ХОНАКИ "БАНК"

Эски саройда нималарни сақлаш мумкин? Бу саволимизга сиз албатта, саройда картошка, пивз, эски-туски нарсаларни, деб жавоб беришингиз мумкин. Аммо оддий қишлоқ саройида яширин банк бўлишига ҳар ким ҳам ишонавермас керак. Россиянинг Горелова кўрғонига яшовчи, 44 ёшли, ҳаммомда ишловчи кишининг эски саройига ўғирликка тушдилар.

Ўғирлар эски саройдан иккита темир қутини ўғирлаб кетдилар. Қутида 11 минг АҚШ доллари, 1,5 немис маркаси, 10 минг Россия рубли, 13 минг руб. турадиган 60 грамлик тилла занжирлар бор эди. Ҳисобни яхши кўрадиганлар дўппини ерга қўйиб чўт қоқиб кўришса ўғирланган нарсаларнинг умумий нархи чиқади.

ҚОРИНДАГИ ГЕРОИН

Екатеринбург шаҳридаги автобазалардан бирида қоровул бўлиб ишловчи киши кўчада кетаётиб, бир киши ўлиб ётганини кўрди ва тезда милицияга хабар қилди. Милиция келиб, воқеа жойини ўрганди. Кейин мурданинг шахсини аниқлади. У тожикистонлик Н. бўлиб чиқди. Эндиги навбат унинг ўлими сабабини аниқлашдан иборат эди. Мутахассислар ўликни ёриб қарашса, унинг ичидан 85 ампулага жойланган 483 грамм героин чиқди.

ЖАЗОСИНИ ОЛАДИГАН БҮЛДИ

Амстердам аэропортидаги дўконлардан биридан Эрн Кальтбруннер 43 дона тиш пастасини ўғирлаб кетаётганда қўлга олинди. Судда у 103 марта мана шундай майда ўғирлик қилиб, жаримага тортилгани ва ҳали бирон марта уни тўламагани аниқланди. У қилган қинғир ишлари учун 721 кун қамоқда ўтирадиган бўлди.

Матбуот материаллари асосида М. ТИЛЛАЕВ тайёрлади.

ТАЛОНЧИ "ЁЗУВЧИ"

Канадада яшовчи, уюшган гуруҳ раҳбарларидан бири — Стивен Фейд: "Ҳар қандай талончиликни 90 дақиқа ичида ҳал қилиб ташлайман" деб керилиб юрарди. Аммо бир гал унинг омади юришмай, қамоққа тушди. Қамоқда у бошидан ўтганларни қозғатиб тушириб автобиографик роман ёзди. У қамоқхонадан яхши хулқ-атвори учун муддатидан аввал бўшатилди. Аммо ўрганган кўнгил ўртанса қўймас экан. У қамоқхонадан чиққан кунлик соғиниб қолган ишига қўл урди — банкни талади. Бу гал у полициячини оғир яралади. Суд уни 18 йил қамоқ жазосига тортди. Энди у қамоқхонада бемалол кейинги романларини ёзадиган бўлди.

МИҚДОРИ АНИҚЛАНМОҚДА

Ҳар қандай ота-она бирон юмуш билан фарзандларини уйда ёлғиз қолдириб кетаркан, уларга бегоналарга эшикни очмаслигини тайинлашлари зарур. Акс ҳолда Москвада бўлиб ўтган мана бу аянчли ҳодисадек лаборатория тишлаб қолишлари мумкин.

Испитатель проспектининг 6-уй, 1-хонадонини эшиги кўнги-роғи жириглаб қолди. Уйда ёлғиз қолган Жанна эшик ёнига яқин бориб: "Ким?" деб сўради. Эшик ортидан эркак киши овоз бериб, отаси учун муҳим ҳужжат олиб келганини айтди. Қизалоқ ҳеч қандай ёмон нарсани хаёлига келтирмай эшикни очди. Шунда хонадонга ниқоб кийган уч нафар эркак отилиб киришди ва қизнинг қўл-оёғини боғлаб, кўрқитиб, қимматбаҳо нарсалар — пул, тақинчоқлар қаерда туришини сўрадилар.

Қизалоқ ниқобли кишиларнинг дўқ-пўписаларидан кўрқиб кетди ва улар сўраган нарсаларни топиб берди. Ўғирланган нарсаларнинг умумий миқдорини ҳозир изкуварлар аниқламоқдалар.

бўлиб ишлайсиз ўзи?

— Почтальонман.

Дадаси ўғлидан сўради:

— Шавкатжон, нима учун сен мактабдан доим "икки",

"уч" баҳо олиб келасан?

— "Беш", "тўрт" баҳоларни бошқа болалар олиб

қўйишса нима қилай ахир?

Ота: — Имтиҳонларни топишсанг, машина олиб

беришни ваъда берган эдим. Аммо сен имтиҳонлардан ўтолмадинг. Ахир ўтган

семестр давомида нима қилдинг?

Ўғил: — Машина ҳайдашни ўрганган эдим.

Меҳмонлардан бири ёнидаги кишига берилиб

ашула айтаётган аёлни танқид қилди

— Қандай ёқимсиз овоз!

— Сиз у аёлни танийсизми?

— Ҳа, танийман, у менинг хотиним, — деб жавоб берди ҳалиги киши.

— Кечирасиз, унинг овози умуман олганда ёмон эмас. Ҳайронман, бу маъносиз кўшиқнинг муаллифи ким бўлдикин?

— Мен! — деб жавоб берди ҳалиги киши.

— Бир қуролланган эркак киши банк идорасига кирди-да, касса бўлимида ўтирган аёлга қозғоз узатди. У қозғозда шундай сўзлар ёзилган эди.

ди ҳалиги киши.

Хўранда: — Менга қаранг, официантка! Бу қанақаси, шўрвадан тўлма чиқди!

Официантка: — О, миннатдорман, мен уни эрталабдан бери қидираётган эдим.

— Намунча оғзингиз қулоғингизда?

— Бугун ҳайфсан беришди.

— Шунга ҳам хурсанд бўладими?

— Бошлиғимиз, бу охиригиси, дедилар!

Врач қабулидан келган хотин эрига деди:

— Врач менга Қора денгиз бўйида дам олишимни маслаҳат берди. Сиз бунга нима дейсиз? Қайси курортда дам олганим маъқул?

— Бошқа врачни топаннинг маъқулроқ бўлади, — деб жавоб берди эр.

Т. МУРОДОВ.

— Бир қуролланган эркак киши банк идорасига кирди-да, касса бўлимида ўтирган аёлга қозғоз узатди. У қозғозда шундай сўзлар ёзилган эди.

Кулзу
бекани



"Тез ва ҳаяжонланмаган ҳолда, довдирамасдан қупораларни мана бу катта сумкага солинг!"

Касса ходими қозғозни ўқиди-да, орқа тарафига...

"Галстугингизни тўғирланг "сизни суратга олишга япти" деб ёзиб берди.

Судда адвокат судьяга савол берди:

— 18 маротаба судланган инсон жиноятчи эмас ахир?

— Унда ким бўлиши мумкин у? — деди судья

— Коллекционер.

— Бу кишини қаердан танийсан?

— Қайси кишини?

— Ҳозиргина мулоким сўрашдинг-ку.

— Ҳаминини кўрай-чи, визиткасида исми ёзилган бўлса керак.

— Аёл киши эркак кишини миллионер қила оладими?

— Ҳа, қилади, агар ўша эркак миллиардер бўлса.

Турмуш қурганига ҳали 2-3 йил бўлмаган эр, хотинидан эрталаб сўради.

— Кечаси эшитмадингми, ўғлимиз хуррак отгандай бўлди.

— Йўғ-ей, дадаси, менимча ўғлингизни памперсчалари нафас олган.

— Сиз нега эрингиздан ажрашгансиз?

— Ҳе, айтсам ишонмайсиз: У мен билан итлорча муомала қиларди.

— Бу гапингизни қандай тушунса бўлади?

— Нега тушунмайсиз! Эрим мени вафодор бўлишимни талаб қилар эди.

Ж. ҒОИПОВ.

Савлатидан от ҳуркадиган, мансабпараст-лик гаштини суриб юрган кишиларни бирданига каламушга ўхшатиш баъзиларнинг энсасини қотириши мумкин. Аммо начора, шакллари ўхшамаса ҳам, қилиқлари айнан ўзи: дидларига ёққан ноёб буюмни каламуш янглиғ ўмаришаверади. Фарқи шуки, каламушлар ўлжани тишлаб олиб, думларини ликиллаб қочишади. Биз ҳикоя қилмоқчи бўлган “каламуш”лар эса паст-баландни суриштирмай, кўзига кўринганни кўтариб кетишаверади. Шунинг учун буларни содда қилиб “думсиз каламуш”лар деб қўя қолдик.

Ҳаётда шундай одамлар бўладики, ўзи тўйса ҳам кўзи тўймайди. Оққўрғонлик Байдулла Давлатов билан Ойбек Бобобековлар ана шундай оғзига олов тушса ютадиган одамлардан. Фалакнинг гардиши ми ёки “суянчиқ”ларининг кучими улардан бири Тошкент вилояти “Оққўрғон” ҳиссадорлик матлубот жамиятига бошқарув раиси, иккинчиси таъминотчи бўлиб қолди. Бу эса подани бўриларга топшириш дегани эди.

— Ҳайрият-е! — Байдулла Давлатовнинг ингичка овози худди қари мушунинг миёвладидек эшитилди. — Бизга ҳам омад қулиб боқди-ку, Ойбекжон, қойилмисан?

Б. Давлатов билан О. Бобобеков қарасаки, омборларда турли-туман маҳсулотлар қалашиб ётибди. Икки ҳамтовоқнинг кўзлари йилтиллаб кетди. “Ҳуш, бунча нарсани еб ташлаёлмаймиз, пулга айлантир-

сак, бошқа гап”, дея фикр юритишди улар. Кейин ғойибдан биров келиб уларни ўмариб кетадигандек

шоша-пиша фикрларини амалга оширишга киришдилар. Улар гўё бирлари тана-ю, бирлари соя. Шоир: “Ош есалар ўртада сарсон илик” дегандек, пайдар-пай олинган буюмларни бир-бирларига илиниб, ошириб тур-

ОМБОРХОНА



дилар.

Дастлаб ўзларига қарашли қатор дўкон мудирлари ва бошқа шахсларга 91.400 килограмм ун, 7.924 сўмлик 56,6 килограмм пахта ёғи, 8.760 сўмлик 292 дона ҳўжалик совуни, 710 та қопни жами 3.388.500 сўмлик маҳсулотларни нақд пулга сотиб, пулини шартта арра қилиб, киссага урдилар. (Текин луқмага иштаҳанинг карнайлигини қаранг). Жиноят изини яшириш учун эса О. Бобобеков сотилган маҳсулотларни 84.715 килограмм пиёзга алмаштирганликлари тўғрисида қалбаки ҳужжат ясади, Б. Давлатов тасдиқлади. Бу думсиз “каламуш”ларнинг қисқа муддатда амалга оширган дастлабки қинғир ишлари эди.

Текин тешиб чиқади, дейишарди. Давлатов, Бобобековларнинг жиғилдонлари чўяндан ҳам қаттиқ экан шекилли, текин еган сари иштаҳалари кучаяверди. Бора-бора улар бепул маҳсулот олишда шайтонни ҳам дол қолдирадиган “операция”лар кашф этдилар.

Матлубот жамиятининг дон қабул қилиш корхоналарига ғалла етказиб бериш бўйича шартномаси бор эди. Ғалла эса йўқ. Нима қилиш керак? Б. Давлатов қўл остида ишловчи А. Аккуловга катта миқдордаги шакарни нақд пулга сотиб, ўрнига ғалла харид қилиш ҳақида кўрсатма берди. А. Аккулов ҳам ўз навбатида 16.974 килограмм шакар ва 339 та қопни 1.188.180 сўмга бошқа одамга пуллади. Сўнгра kilosини 14 сўм 50 тийиндан 37.820 килограмм бугдой сотиб олиб, Тўйтепа дон маҳсулотлари корхонасига 150.917 сўм зарарига,

лубот жамиятига 848.430 сўм зарар етказди.

О. Бобобеков эса матлубот жамиятига қарашли “Наврўз” ҳўжалик ҳисобидаги озиқ-овқат дўконидида мудир бўлиб ишларкан, мансабидан фойдаланиб ихтиёридаги 105.191 сўмлик турли маҳсулотларни талон-торож қилиб юборди. У матлубот жамиятига таъминотчи вазифасига ишга олинаркан, ходимларни алдаб юқоридаги маҳсулотлар бус-бутун турганини айтиб, ўзининг таъминотчи сифатидаги моддий жавобгарлиги остига ўтказган. Кейин аста-секин дўконларга тарқатилиши лозим бўлган маҳсулотларни киммига нисбатан ортиқча чиқим қилиб, камомадни ёпиб юборди.

Аммо ялаб, ям-

ДУМСИЗ “КАЛАМУШ”ЛАР

яъни 10 сўм 51 тийиндан топширди.

Шунингдек, қолган пулга 12 сўмдан сотиб олинган 53 тонна бугдойни “Олтин бошоқ” ҳиссадорлик жамиятига 8 сўм 14 тийиндан топширдилар. Афандининг 1 сўм 10 тийиндан тухум олиб, 1 сўмдан сотганидай, зиён 207 минг сўм бўлди.

А. Аккулов мазкур жиноят изини супуриш мақсадида 1.188.180 сўмлик шакарни ҳисобдан чиқариш учун 23 нафар фуқароларга шакар ва қоп берилгани, бугдойга алмаштирилгани тўғрисида қалбаки қайдномалар тузди. Раис Б. Давлатов уларни жимжимадор имзоси билан тасдиқлаб ташлади.

“Оққўрғон” матлубот жамиятининг Хабаровск шаҳридаги “Славянка” хусусий корхонаси билан шартномаси бор эди. Шартномага кўра раис Б. Давлатов Хабаровскка 823.200 сўмлик 81.320 килограмм пиёз ва қиймати 98.740 сўмлик идиш жўнаттирди. Йўл кирага 584.404 сўм тўланди. Лекин “Славянка” хусусий корхонасидан 1.147.514 сўм қарзни ундириш ҳақида жон қуйдирмади. Натижада матлубот жамиятига катта зарар етди.

Матлубот жамият вакилигида Чехословакиядаги “Сирокко” масъулияти чекланган жамияти билан ҳам шартнома тузилганди. “Оққўрғон” матлубот жамияти “Сирокко” масъулияти чекланган жамияти кўрсатмасига асосан Минск шаҳридаги “Ларк” кичик корхонасига 848.430 сўмлик пиёз юборди. Бироқ “Сирокко” корхонаси мажбуриятини бажармади, яъни ваъда қилинган картошкани жўнатмади ва мат-

лаб тўймаган, йиғиб, ғамлаб олса ҳам тўймаслиги рост экан. Иккала ҳамтовоқ каламушона қилиқларини давом эттириб, бир йил мобайнида О. Бобобеков жавобгарлигида бўлган 2.611.288 сўмлик маҳсулотни нақд пулга сотишди.

Феруза Аноркулова 11-дўкон мудир эди. У 5 тонна 150 минг сўмлик ун ва 3.500 сўмлик қопларни ҳеч қандай ҳужжатсиз олди ҳамда уларни сотиб, пулини О. Бобобековга берди. О. Бобобеков пулни ўз харажатлари учун сарфлаб, ялло қилиб юраверди.

Катта “каламуш”лар ўз қинғирликларини кичкина “каламушча”лар орқали амалга оширадилар. Ана шундай кичкиналардан бири Шароф Аҳмадулов бўлиб, у Оққўрғон туманидаги “Ўзбекистон” жамоа ҳўжалигида жойлашган 44-дўконда мудир эди. Ш. Аҳмадулов бошқа ишга ўтаётган дўконни хотинига топширди. Лекин дўкондан кўнгул узолмади-да, савдо ишларини ўзи юрита бошлади. Яна қанақанги юритиш денг: юкномалар, ҳисоботлар, пул топшириш бўйича қирим чипталари ва бошқа ҳужжатларни сохта-лаштириб ташлайверди. Жумладан, “Оққўрғон” ҳиссадорлик матлубот жамияти газнасидан 78950 сўм пул олиб, Тошкентдаги Олой бозоридан 44.000 сўмлик лак, 18.950 сўмлик кулф сотиб олиб матлубот жамиятига топширди, бунда 16 минг сўмни ҳамёнига урди. Қилмишини текислаб қўйиш учун Алимкент кўрғонидида жойлашган “Анвар” хусусий корхонаси директори К. Воситовни алдаб бўш қвитанцияга муҳр қўйдириб олди ва ўз жавобгарлигидаги 78.950 сўмни

ёпувчи ҳужжат тайёрлаб матлубот жамиятига топшириб юборди.

Уларнинг яна бир “сирдоши” — Маҳкам Саркабев деган дўкон мудир ҳам О. Бобобековга сирдош эди. М. Саркабев 150.000 сўмлик 5 тонна ун ва 3500 сўмлик қопларни ҳужжатсиз олиб, сотиб, пулини О. Бобобековнинг тўймас ўпқонига топширди.

Бошқа дўкончи Дамира Укубашева эса О. Бобобековга 61.400 сўмлик ун ва қоп сотиб берди. Кейинроқ у Д. Укубашевадан яна 122.800 сўмлик уннинг пулини олиб ими-жимидида тинчитди. Юлғичнинг ҳамёни тўлса ҳам жиғилдони тўймайди, деганлари шу-да.

Офтобда қаттиқ ялашганлардан яна бири — матлубот жамияти бош ҳисобчиси Каримберди Эшбоев эди.

ва “Олтин бошоқ” ҳиссадорлик жамиятига бугдойни топширганимиздан сўнг улар Молия вазирлиги тасдиқлаган 8 сўм 12 тийин ва 10 сўм 51 тийиндан ҳақ тўладилар.

Биз шартномага кўра “Славянка” хусусий корхонаси ва “Сирокко” масъулияти чекланган жамиятига пиёз жўнатишимиз лозим эди. Пиёз юборилди, бироқ у корхоналар зиммаларидаги шартни бажармадилар. Бир қисм пул уларда қолиб кетди. Масалани Ҳўжалик суди орқали ҳал қилмоқчи эдик, улгуролмадик...

Энди айбланувчи Байдулла Давлатовнинг мана бу гапларига яхшилаб қулоқ тутинг-а:

— Мен О. Бобобековдан пул олдим, аммо, у қаердан олганини билмайман. “Бахт уйи” қурилиши кераклиги ҳокимият томонидан айтилди. Ҳақиқатан ҳам “Бахт уйи” учун ер (400 кв метр) менга ва жияним Д. Қўзиевга ажратилди. Қурилиш битгандан кейин матлубот жамиятига олиниши керак эди. Ҳар куни соат 20.00 да қурилиш ҳақида ҳокимиятга маълумот бериб турдик. У Мустақиллик байрамига битиши зарур эди.


Б. Давлатов ва унинг ҳамтовоқлари қанчалик тулкилик, айёрлик қилмасинлар ниқоблари йиртилди. Бошқа айбдорлар ҳам жиноятларини ҳаспўшлаш учун турли-туман куракда туриб-турмайдиган ваз, баҳоналарни қалаштириб кўрдилар. Тергов жараёнида ҳисобот ҳужжатлари, дўконларни тафтиш қилиш, судланувчиларнинг бир-бирларига нисбатан берган кўргазмалари, гувоҳлар билан юзлаштиришлар ҳақиқатни ойдинлаштирди.

Тошкент вилоят суди ҳукми билан (раислик қилувчи И. Норматов) текин еб кекириб юрганлар жазога тортилдилар, йиғиб-терганларидан ажраб, шумшайиб қолдилар.

Лекин уларнинг қилмишларини текшириш натижасида аниқланган далиллар гўзал, осойишта кўринган бир туман турмушининг гўё парда ортидаги кўзга кўринмас ҳаётининг нозик, фақат айрим нопок шахсларига тегишли қирраларини очиб ташлади.

Халқимиз бекорга “текин тешиб чиқади, бировнинг ҳақи юкмайди” демаган. Мана даври келиб босар-тусарини билмай қолган шўрлик думсиз “каламуш”лар қонуннинг ҳаққоний “қопқони”га илинди. Ҳар қандай айёр ана шундай, думи бўлма-са, тумшугидан илинмай қолмайди. Энди халқ олдидаги шармандалиқнинг қадоғи неча пулдан бўларкин?

Мурод ТИЛЛАЕВ.



Андрей Александрович СЕВУМЯН

Республика ички ишлар идоралари фахрийси, истеъфодаги милиция полковниги Андрей Александрович Севумян 90 ёшида вафот этди.

Унинг бутун онгли ҳаёти ҳарбий хизмат ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларида ишлаш билан боғлиқ эди. Аср бошида оддий деҳқон оиласида туғилиб, ҳарбий хизматга қақирилганича бир неча йил Самарқанддаги темир йўл депосида ишлади. Кейин артиллерия бўлинмасида, офицерлик курсларида ўқиди. Ўқшдан сўнг 1937 йилда унга лейтенант унвони берилди.

Фашизм билан уруш йиллари у душманнинг орқа томонидан кўмондонликнинг муҳим топшириқларини бажарди. Унинг ҳарбий хизматлари кўпгина жанговар орден ва медаллар билан тақдирланган.

Урушдан кейин Андрей Александрович Ўзбекистон Республикаси ИИБга ишга қабул қилинди. Бу ерда у қатор бўлинмалар раҳбари сифатида бутун куч-ғайратини жиноятчиликка қарши курашга, ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлашга сарфлади. Эллигинчи йиллар охиридан бошлаб узоқ пайт у Тошкент вилояти ИИБга бошчилик қилди.

Қандай лавозимда хизмат қилмасин, Андрей Александрович ўзига ва ўзгаларга талабчанлиги, билимдонлиги, бурчга садоқати, ҳамкасбларига ғамхўрлиги билан ажралиб турарди. Ўз касбини севган ва унинг устаси бўлган бу ажойиб инсоннинг ёрқин хотираси уни билган кишилар қалбида мангу яшайди.

ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби, Фахрийлари ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамоатчилиги маркази.

Спорт

КУЧЛИЛАР БАҲСИ

Хоразм вилоят ички ишлар бошқармасида осовишталик побонларининг ҳар томонлама кучли, жисмонан бакуват бўлишлари учун қатор тадбирларни ўтказиляпти.

Яқинда вилоят ИИБ "Динамо" спорт-соғломлаштириш мажмуасида миллий кураш бўйича мусобақа бўлиб ўтди. Тантанани вилоят ИИБ бошлиғи, милиция полковниги Т. Худойбергенов очди. Сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг ўринбосари, ички хизмат поковниги Ш. Мавлянов ички ишлар идоралари ходимларининг жисмонан тайёргарлигига атрофлича тўхталиб, беллашув қатнашчиларига омад тилади.

Шундан сўнг бу ерга ташриф буюрган юзга яқин ички ишлар идоралари ходимлари ўзаро куч синашдилар. Олтига вазн бўйича ўтказилган ушбу беллашувда 14 та команда иштирок этди. Мурасиоз ўтган мусобақада Урганч шаҳар ИИБ ходими Р. Йўлдошев (66 кг), вилоят ИИБ ходими Ш. Нуржонов (73 кг), Урганч шаҳар ИИБ ходимлари О. Диванов (81 кг), Ш. Курбанов (90 кг), Ж. Атаев (100 кг), вилоят ИИБ ходими Н. Вафоев (100 килограммдан юқори)лар ўз маҳоратларини намойиш этиб, фахрли биринчи ўринни эгалладилар.

Команда ҳисобида Урганч шаҳар ИИБ биринчи, вилоят ИИБ иккинчи, Хива туман ИИБ эса учинчи ўринларга сазовар бўлишди.

Миллий кураш бўйича ички ишлар идоралари ходимлари ўртасида ўтказилган вилоят биринчилиги мусобақаси низоҳатда қизиқарли, кескин тарзда ўтди. Бу баҳсда миллий курашимизнинг кучли, маҳоратли полволлари сараланди.

Мусобақа ғолиблари вилоят ИИБ томонидан қимматбаҳо совғалар билан тақдирландилар.

Ҳ. ЖАББОРОВ.

Ўзбекистон Республикаси ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби ИИБ Бирлашган тахририяти қошидаги "Qalqon" студияси директори, Ўзбекистон Халқ артисти Жамшид Зокировга волидан муҳтарамаси
ШОИСТА аянинг
вафот этганлиги муносабати билан ҳамдардлик билдирадилар.

Ўзбекистон Республикаси ИИБ Бирлашган тахририяти жамоаси "Qalqon" студияси директори, Ўзбекистон Халқ артисти Ж. Зокировга оналари
ШОИСТА аянинг
вафот этганлиги муносабати билан ҳамдардлик билдирадилар.

Тошкент шаҳар ИИББ ҳузуридаги Қўриқлаш бошқармаси ходими милиция старшинаси
Юсуп Гаппарович ЯКУБОВНИНГ
бевақт вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор қиладилар.

Тошкент вилояти ИИБ раҳбарияти, шахсий таркиби ва Фахрийлар кенгаши истеъфодаги милиция полковниги
Андрей Александрович СЕВУМЯННИНГ
вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига ҳамдардлик билдирадилар.

Сурхондарё вилояти ИИБ ЖКБ раҳбарияти ва шахсий таркиби тезкор вакил милиция майори Дилором Зиёевага онаси
ҲАДИЧА аянинг
вафот этганлиги муносабати билан ҳамдардлик билдирадилар.

Фарғона вилояти ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби Тошлоқ тумани ИИБ бошлиғи муовини милиция майори
Обиджон МАМАТОВНИНГ
бевақт вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдирадилар.

Самарқанд вилояти ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби бошқарма молия-иқтисод бўлими ходими, ички хизмат капитани Шокир Душановга укаси
Қахрамон ДУШАНОВНИНГ
бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдирадилар.

Самарқанд вилояти ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби бошқарма ХЧК ва ФБ инспектори, милиция катта лейтенанти Р. Юлдашевга акаси
Юнус ЮЛДАШЕВНИНГ
бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдирадилар.

Самарқанд шаҳар ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби 12-шаҳар милиция бўлими бошлиғи, милиция майори Б. Холмуродовга онаси
ОРТИҚОЙ аянинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдирадилар.

KELGUSI HAFTA UCHUN MUNAJJIMLAR BASHORATI

ҚҲЙ (21 март – 20 апрель). Душанба амалий ишларни бажариш ва музокаралар олиб бориш учун қулай кундир. Пайшанба кун керакли жиҳозни қўлга киритиш имконияти мавжуд. Жума кун сизга севги бобида омад қулиб боқиши эҳтимоли бор. Имкониятни қўлдан берманг. Дам олиш кунлари қўтилаётган кичик қўнгилсизликлар бироз руҳингиз тушишига олиб келади.

СИГИР (21 апрель – 21 май). Сешанба кун ҳушёр булинг ҳамда янги танишингиз билан режаларингизни ўртоқлашманг. Пайшанба кун ҳамёнингизга пул тушади. Ҳафтанинг иккинчи ярмида ўз яқинларингизнинг саломатлигини яхшилашга вақт ажратишни маслаҳат берамиз.

ЭГИЗАКЛАР (22 май – 21 июнь). Ҳафтанинг бошида ўзгалар муаммосини ҳал этасиз. Жума – ишбилармонлик танишувлари ва савдо битимлари тузиш учун қулай кундир. Шанба кун юрагингизда қайта муҳаббат уйғонади. Якшанба кунни дунёқараши сиз билан бир бўлган инсонлар даврасида ўтказасиз.

ҚИСҚИЧБАҚА (22 июнь – 23 июль). Душанба кун ишбилармонлик таклифини рад этманг. Чунки яқин ўртада оилавий бюджетингизни мустаҳкамлаш бундай имконият учун юзага келмайди. Пайшанба кун узоқ вақтдан бери қўтилаётган янгиликдан хабар топасиз. Шанба кун ажойиб танишувлар билан ёдингизда қолади.

АРСЛОН (24 июль – 23 август). Мазкур ҳафтанинг бошида таваккал ўтказиладиган тадбирларда иштирок этмагингиз маъқул. Жараҳат олишингиз эҳтимоли бор. Шахсий ҳаётингиз билан боғлиқ муаммоларни ҳал этиш учун иложи бўлса дўстларингиздан маслаҳат сўранг. Жума кунги молиявий ютуқ сизга қувонч келтиради.

БОШОҚ (24 август – 23 сентябрь). Сешанба кун қўтилаётган хунук хабардан кайфиятингиз ёмонлашади. Ҳафтанинг иккинчи ярмида эътиборли инсонлар билан бўлиб ўтадиган мулоқот катта наф келтиради. Дам олиш кунларидаги ҳар қандай сафарлар муваффақиятли кечади.

ТАРОЗИ (24 сентябрь – 23 октябрь). Ушбу ҳафтада ҳар қандай ишда сизга омад қулиб боқади. Шахсий ҳаётингизни ўзингиз ўйлаган даражада ўтказишга ҳаракат қилинг. Жума кун ижодий ютуққа эришасиз. Якшанба кун дўстларингиз билан баҳслашмагингиз маъқул, бу узоқ вақт муносабатларингизни ёмонлашишига олиб келиши мумкин.

ЧАЁН (24 октябрь – 22 ноябрь). Ушбу даврни фаолликда ва эҳтирослар оғушида ўтказишингизга тўғри келади. Ҳафтанинг бошида моддий аҳволингизни яхшилаш учун турмуш тарзингиз ўзгаришига олиб келувчи қарор қабул қилинг. Шанба кунги қўтилмаган ишқий саргузашт узоқ вақт ёдингизда қолади.

ЁЙ (23 ноябрь – 21 декабрь). Ҳафтанинг дастлабки кунлари қўзлаган ишларингизни бажариш учун кўп куч сарфлашингизга тўғри келади. Асабингизни эҳтиёт қилинг. Жума кун қўтилмаган янгиликдан бир олам қувонч оласиз. Бу молиявий ютуқ бўлиши эҳтимолдан холи эмас.

ТОҒ ЭЧКИСИ (22 декабрь – 20 январь). Сешанба кун пул ишлаб олишингиз учун янги имкониятлар юзага келади. Чоршанба кун сафарга бормаслики маслаҳат берамиз. Қўтилмаган ўзгаришлар туфайли жума кун келгуси режалардан воз кечишга мажбур бўласиз. Шанба кунги ўзингизга яқин кишилар билан мулоқот ёдингизда қолади.


ҚОВҒА (21 январь – 19 февраль). Чоршанба-пайшанба кунлари касбингиз билан боғлиқ мураккаб вазифа ҳал этилаётганда ўзингизнинг жамоада етакчи эканлигингизни намойиш этасиз. Жума кун яқин кишингизга эътибор беринг. Якшанба кун яхши харид қўтилмақда.

БАЛИҚ (20 февраль – 20 март). Ҳафтанинг бошида анчадан бери сизни ташвишга солиб келётган қарзингиздан қўтулишга муваффақ бўласиз. Жума кунги амалий ютуқ касб маҳоратингиз ошиб бораётганидан дарак беради. Дам олиш кунлари хонадонингиздаги тотувликдан қўнглингиз қўтарилади.

КРОССВОРД

Энига: 5. Дуккақдошларга мансуб ўтлар туркуми. (2). 7. Ёғочи ўймакорликда ишлатиладиган дарахт (4). 9. Суюқлик ҳажм ўлчови (3). 10. Инсоннинг фаолияти, фан, маданиятнинг ҳар бир тармоғи. (1). 12. Шеърлар парча. (1). 14. Поясидан тола, уругидан ёғ олинган экин. (2). 16. Ҳиндистондаги штат. (3). 18. Қўқиш рангли қумушсимон металл. 19. Мақом мулкнинг султони, академик санъаткор. (2). 20. Бирор фаолиятга қобилик. (6). 22. Канададаги бандаргоҳ шаҳар, маъмурий марказ. (2). 24. Майда пул. 26. Олам жаҳон. (1). 28. Енгил кўча уй. (1). 29. Жиззаҳ вилоятидаги шаҳар. (4). 30. Австралия қитъасининг рамизий жонивори. (6). 31. Шаҳар транспорти тури. (4).

Бўйига: 1. Илдимевали сабзавот. (6). 2. Қора, Азов ва Каспий денгизлари оралиғидаги ҳудуд. (6). 3. Ўқотар қуроллар мили ўлчови бирлиги. (2). 4. Таёқча билан ўйналадиган спорт. (1). 6. Болтиқбўйидаги давлат пойтахти. (4). 8. Дунё томони. (2). 11. Машҳур қозоқ полвои (7). 13. Бельгия футбол командаси. (8). 15. Сирдарё ирмоғи. (4). 17. Шиша ва эмаллар тайёрлашда ишлатиладиган кислота, модда. (4). 18. Чопқир камёб тоғ жонивори. (2). 21. Асримиз бошларида Туркистон иқтисодиётида ҳукмрон бўлган ширкат ташкилотчиси. (2). 23. Тор оралиқдан олиб турувчи шамол. (4). 24. Рангли металл. 25. Мамлакатимиздаги тоғлик. (1). 27. Манбадан таралувчи нур. (3). 28. Мамлакатнинг маъмурий-ҳудудий бирликка эга бўлган бир қисми. (1)



МУАММОНОМА

Куйидаги рақамларни жавобларнинг сўзлар таърифидан сўнг қавс ичидаги тартибдаги ҳарф билан алмаштириб муаммонимани ечинг.

9; 14; 31; 26; 19; – 1; 18; 31.
31; 3; 16; 31; 6; 25; 27; 5; 12.
28; 2; 23; 25; 23. 12; 8; 29; 19; 16; 26.
20; 7; 20; 10; 17. 7; 25; 14. 16; 3.
13; 3; 29; 1. 16; 15; 20; 19; 25; 4; 30; 14.
10; 5; 22; 15; 26; 18.

Улардан XII аср охири XIII аср бошларида яшаб ижод этган мумтоз туркигўй шоир Аҳмад Юнакий қаламига мансуб ҳикматни билиб олишга эришасиз.

Фозилжон ОРИПОВ тузди.

ГАЗЕТАНИНГ ЎТГАН СЕНИДА ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН ЦИКЛОКРОССВОРДНИНГ ЖАВОБЛАРИ:

Белгиланган хонадан рақам атрофига соат мили бўйича: 1. Қораялоқ. 2. Қози. 3. Қораўзақ. 4. Қори. 5. Қизиларт. 6. Қоқи. 7. Кува. 8. Қиём. 9. Қизилқия. 10. Қаз. 11. Қоракўрт. 12. Қутб. 13. Қўмондон. 14. Қрим. 15. Қора. 16. Қоим. 17. Қазвиний. 18. Қари. 19. Қайнатма. 20. Қара. 21. Қамийзор.

КРИПТОГРАММА

Оқчин сўзлар: 1. Седан. 2. Эҳром. 3. Ўт. 4. Яшин. 5. "Халқ". 6. Гектар.

Ҳикмат: Яхшилик эт эмдики дастинг отар, Яхши-ямон ҳар наким қилсанг отар.

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI IIV BIRLASHGAN TAHRIRIYATI

MANZILIMIZ:
700029,
Toshkent,
Yunus Rajabiy
ko'chasi, 1



Gazeta haftaning juma kunlari chiqadi.

Bosh muharrir Zokir ATAYEV

Muharrir Erkin SATTOROV
(Bosh muharrir o'rinbosari v.b.)

Navbatchi:
S. SHAMSIDDINOV
Musahhihlar:
M. AKRAMOVA
G. XOLIQOVA
Sahifalovchi va dizayner:
A. MIRZAMUHAMEDOV

TELEFONLAR:
Bosh muharrir o'rinbosari — 139-77-23.
muhbirlar bo'limi 139-75-69.
Faks 54-37-91.

Gazeta tarqatish masalalari bo'yicha murojaat uchun faks: 54-37-91, peyjer: (088) 36-97, 55-19.

Reklama bo'limi peyjer (088) 55-54

Электрон почта postmaster@urmvd.co.uz

Bizning hisob raqamimiz O'zbekiston Respublikasi Markaziy bank Toshkent shahar Bosh boshqarmasi hisob-kitob — kassa markazida: 21506000200447980001, MFO 00014.

• Ko'chirib bosishda «Postda-dan ekanligini ko'rsatish shart»

• Maqolada keltirilgan raqamlar, faktlar va boshqa ma'lumotlar, shuningdek, ochiq e'lon qilinishi mumkin bo'lmagan ma'lumotlar uchun muallif javobgar hisoblanadi.

• Muallifning mulohazasi tahririyat fikriga mos tushmasligi mumkin.

• Qo'lyozmalar tahlil qilinmaydi va qaytarilmaydi.

Ro'yxatdan o'tish tartibi № 00007. Buyurtma — 112. Hajmi — 4 bosma taboq. Bosilish — ofset usulida.

Bosishga topshirish vaqti — 19.00. Bosishga topshirildi — 18.00.

Obuna raqami — 180

116 665 nusxada chop etildi.

«SHARQ» nashriyot-matbaa konserni bosmaxonasi.

Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi 41-uy.

1, 2, 3, 4, 5, 6.